

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

НЕЪМАТЛАРГА ҒАРҚ ОЛАМ

Ҳар йилда бир кеча бор. Бу кеча бир ой ичида. Ўзи шундоқ ҳам баракотли ва фойзли бўлган у ой ичига у кечанинг яширилгани боис, янада қадр-қимматли ва одамларга манфаатли бўлади.

У кеча Қадр кечасидир.

У ой Рамазон ойидир.

Яқиндагина у кечанинг улуг баракотидан, у оининг қутлуг фойзиётидан бутун эл-юртимиз биргаликда баҳраманд бўлдик. Яратган Раббимизга чексиз шукроналарки, ҳали бир яхшининг шираси дилларимиздан, тилларимиздан, юзларимизу кўзларимиздан кетмай туриб, иккинчи бир буюк неъматини бизларга йўллади.

Диёримизга бутун савлатию шон-шавкати билан Ҳаж ойи кириб келди. Қурбон ойи ташриф буюрди Оламга.

Илоҳий йўриқномамиз бўлмиш Қуръони Мажиднинг нузулгоҳи сифатида, дунё ва охирада саййидимиз бўлмиш сўнгги пайгамбар Муҳаммад соллаллоху алайҳи васал-



ламнинг таваллудгоҳлари сифатида мукаррам қилинган, «шаҳарларнинг онаси» Маккага куни кеча ҳожиларимизни севинч ва соғинч-ла кузатиб қолган эдик. Улар орқали Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга, покиза оналаримизга, улуг саҳобаларга саломлар йўллаган эдик. Бугун у ҳожиларимиз хонадонларига, шаҳару қишлоқларига, бутун мамлакатга олам-олам фойз билан кириб келишди. Ишонамиз ва умид этамизки, ҳожиларимиз бутун дунёдан борган ҳожилар қаторида орқаларида қолган бизларнинг ҳаққимизга хайрли дуолар қилишган. Меҳрибон Аллоҳимиздан Ватанимизга тинчлик-осойишталик, равнақ, миллатимизга рушду ҳидоят, гуноҳларимизга мағфираат, ризқларимизга ва умрларимизга барака тилашган.

Мана, энди ўзлари ҳам онадан қайта туғилгандай бўлиб, покиза ўй-ниятлар билан юртга қайтишди. Шунчаки қайтишмади. Ваҳий диёрининг ҳавосидан бир ҳовуч-бир ҳовуч олакелишди. Раббоний нур жилоларидан бизларни ҳам насибадор этишди.

Илоҳи, бу нурлар билан юртимизни давомли жилолантиргин. Ҳожиларимизнинг ҳажларини, ибодатларини, дуоларини қабул қилгин.

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН



Мундарижа

Муҳаррир сўзи Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН Неъматларга фарқ олам	1
Табрик Зоҳир МУЎТИШ АЛ-АНИЗИЙ Ҳайит баракалар келтирсин	5
Ақида Саййид АЪЗАМХОНТЎРА СОТИБОЛДИ ўғли Аллоҳнинг гўзал исмлари	7
Ислоҳ ва олам Тинчлик ва адолат учун, Ҳёте эътиқоди	8
Суннат Мисвокнинг фойдалари	11
Адабиёт Қудрат ДЎСТМУҲАММАД Ҳасол йиғлади. <i>Ҳикоя</i>	12
Халқаро анжуман Яҳё МАҲМУД ҲЕНДИЙ Амриқода мусулмонлар тажрибаси	14
Олисларга саёҳат Афсонавий Ҳиндистон	16
Ижтимоий ҳаёт Илёс МИРЗИЁДОВ Диний бағрикенглик ва маърифат	18
Оналар ва болалар йили Фарида САИФНАЗАРОВА Қалбларда эзгулик уйғонсин	21
Хотира Фозил ЗОҲИД Ҳасрат	23
Насиҳат Чинакам бандалик	23
Мулоҳаза Узоқ ЖЎРАҚУЛ Мўмин кўнгли азиз	24
Ибратли воқеалар Эркин МАЛИК Оқибат	25
Зиёрат Суръат ИСҲОҚ Расулulloҳ (с.а.в.) масжидлари	26
Амри маъруф Чирик тиш	27
Мактублар Бир саволим бор	28
Шеърят Аброр МУХТОР Яхшиликка бахш эт борингни	29
Тошболта ИМОМОВ Сақласин имонини	29
Тарих Ғофуржон СОТИМОВ Бобурийлар давлати бошқарувида дин	30

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларига
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ноҳоз жойларга
ташламаслигингни сўраймиз

Таваллудига 560 йил

АЛИШЕР НАВОИНИНГ
«СИРОЖУЛ МУСЛИМИН» И

4

Бешинчи рукн, билгил, ҳажж-и Ислоҳ,
Чун фарз ўлди, адоси келди ноком.
Вале фарзийятида шарт бор,
Қулоқ тутким, қилай барини изҳор.

Ҳадис истилоҳлари

Уста ОЛИМ

6

АСОС
СОФЛИГИНИНГ
ҲИКМАТИ

Имом Фахрул Ислоҳ Али ибн Муҳаммад
Баздавий ўз усулларига қайд этганларидек,
нафснинг ҳавога берилиши ва бидъатлар
Қуръони Карим оятларига ёки машҳур ҳадис-
ларига зид оҳод ҳадисларни қабул қилиш на-
тижасидир.

Амри маъруф

Шухрат ИСМОИЛОВ

9

СУННАТ НИМАЮ
БИДЪАТ НИМА?

...баъзи ёшларимиз, менинг нима ишим
бор, фалончининг отаси қилдими, сиз ҳам
топасиз, менинг ундан қаерим кам, деб
ота-оналарининг дилларини ранжитмоқда-
лар. Бу гапларни эшитган ота бечора нима
қилсин?

Қуръондаги мўъжизалар

Халифа РАШОД

19

«19» СОНИ НИМАЛАР ДЕЙДИ?

Фикр қилайлик: бу ҳолат бир ё икки, жуда нари борса, уч марта учраса, тасодиф дейиш мумкин. Ҳолбуки, ўн тўққиз сонига алоқадор жиҳатлар кетма-кет ва бениҳоя кўп маротаба кўрилса, зигирдек инсофи бор киши бу ҳолни кўр тасодифнинг қўлига бериб қўймайди.

Ривоят

РИЗҚНИ ЕТКАЗУВЧИ ЗОТ БОР

22

Ниҳоят, сичқон охирги кириб чиқишида битта бўш ҳамённи тишлаб келтирди. Тангаларнинг ёнига ташлади-да, олимнинг рўпарасига ўтириб олди. Гўёки, борини олиб чиқдим, бўлди, деяётгандек.

Тиббиёт бурчаги

Абудлазиз табиб
САИДНУРИДДИН ўғли

27

НОН: Фойдалими? НОН: Зарарлими?



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Фозил қори СОБИР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Эркин МАЛИК
Сирожиддин АҲМАД
Абдуқаюм ҲИКМАТ
Нуриимон АБУЛҲАСАН
Абдулмажид МУСАБЕК
Абдулжалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН ўғли
тайёрлади.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли
Тартибловчи

Қудрат ЖУМА ўғли

Компютерчи

Мунира МАСЪУДАЛИ қизи

Мусаҳҳиҳа

Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Фарғона вилояти – 8. 3732. 24-25-28

Директори Салоҳиддин Нуриддин

Андижон вилояти – 8. 3742. 24-41-72

Директори Ўктам ҳожи Умурзоқ

Манзилими: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй. Тел: 40-17-97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида рўйхатга
олинган. Гувоҳнома рақами 00079.
Босишга 2001 й. 5 мартда рухсат
берилди. Босмаҳонага 2001 йил
15 мартда топширилди. Қоғоз бичими
84x108 1/16. Адади 5500 нусха. 44-сон
буйртма билан «КОНИ NUR» МЧЖ да
босилди. Манзили: Тошкент шаҳри,
Муқимий кўчаси, 178-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Макет асл нусхаси Pentium-III
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз
қилинмайди. Мақолалар хат орқали юбо-
рилганда исми шарифлар тўлиқ ёзили-
ши, адрес тўғри кўрсатилиши шарт.

АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ «СИРОЖУЛ МУСЛИМИН» И

Неча-неча улуглар қатори ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳам ақли ва руҳи Исломнинг эзгу булоғидан сув ичди, дунё-қарашини шу эътиқод шакл-лантирди. Таассуфки, мустабид тузум даврида бу ҳақиқатга ургу берилмади, бунга йўл ҳам йўқ эди. Навоий асарлари муқаддимасидаги ҳамду наътлар, муножотлар қисқартириб нашр этилди.

Алишер Навоий Аллоҳ таолога тазарруъ қилароқ, умрининг охириги йилларида «Муножот» номли махсус асар ҳам ёзди.

«Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам, рад қилса, Сенга таважжуҳ эткаймен ва агар Сен рад қилсанг, неткаймен ва кимга кетгаймен?..»

Илоҳи, агар афъолимга боқсам, уёт ўлтурур ва сенинг ка-

рамингни соғинсам, уммид танимга жон келтурур...

Илоҳи, агарчи залолатқа тушубмен, аммо ҳидоятингга талабгормен ва агарчи тамуг ўтига тушкали ёвушубмен, аммо раҳматингдин умидвормен...»

Табиийки, бундай тавба қилиш, гуноҳлари учун Аллоҳдан мағфират тилаш ва Унинг раҳматидан умид этиш чин мусулмон кишиларнинг фазилатидир.

Ҳазрат Навоийнинг «Сирожул-муслимин» (Тошкент, «Мерос» — «Нур» нашриёти, 1993 йил) номли асарида эса динимиз аҳкомлари баён этилган. Шоир «Китоб назмининг сабаби»ни баён қилиб, шундай ёзади:

*«Дедимким айлайин бир
нухса мастур,¹
Ки бўлғай дини Ислом уйи
маъмур.²*

*Неким, дин аҳлига бўлғай
зарурат,
Бари тутқай ани билганга
суврат.³*

*Ҳам эткаймен буни шарҳи
ақойид,⁴
Ки, Ислом аҳлига бергай
фавойид.⁵
Йана ҳам фарзу, ҳам вожиб,
сунан ҳам,
Неки, ориз бўлур яхши
ёмон ҳам —
Ки дин аҳлининг бўлғай
дилпазири,⁶
Мусулмонлиг ишида
ногузири.⁷*

Китобда улуг шоир фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб каби амалларнинг баённи беради. Куйида мазкур асарнинг ҳаж ибодати хусусидаги бобини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Исломнинг бешинчи рукниким, ҳаждур, баён қилмоқ

Бешинчи рукн, билгил, ҳажж-и Ислом, Чун фарз ўлди, адоси келди нэком. Вале фарзиййатида шарт бор, Кулоқ тутким, қилай барини изҳор. Бир улким, иститоъат⁸ бўлса мавжуд, Анга тегруки, қилдинг ани мақсуд. Йана бир шарт йўл амниййати бил, Бу чун мавжуд ўлур, ҳаж ниййати қил. Йана гар дайн⁹ йўқ бўйнуға, лозим

Сенга бўлмоқ бўлур ул йўлға озим. Йана гар йўқ айолингдин маунат¹⁰ Ки, ул кўргай маош учун суъубат.¹¹ Йана гар бермади жисмингда соний,¹² Мараз,¹³ андоққи бўлғай йўлға моней. Бу маҳзурот¹⁴ гар йўқ, тебра¹⁵ филхол Ўзунгни дўст кўйи тарафиға сол. Неким фарз ўлди бўйунунда, адо қил, Етиб мақсадқа комингни раво қил.

1. Нухса мастур айламак — китоб битмак.

2. Маъмур — обод.

3. Суврат билган — саводи бор.

4. Ақойид — ақидалар илми.

5. Фавойид — фойдалар.

6. Дилпазир — кўнгил тилаган, ёқимли.

7. Ногузир — четлаб бўлмайдиган, зарурий.

8. Иститоъат — имконияти бўлиш.

9. Дайн — қарз.

10. Маунат — маишат ташвиши.

11. Суъубат — қийинчилик.

12. Соний — ясагучи (бу ерда Аллоҳнинг сифат номи).

13. Мараз — дард, касаллик.

14. Маҳзурот — йўл бермайдиган.

15. Тебрамак — кўзгалмоқ, йўлга тушмоқ.

Баҳодир КАРИМ
тайёрлади

Зоҳир МУЎТИШ АЛ-АНИЗИЙ,
Саудия Арабистони подшоҳлигининг
Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор
элчиси вазифасини бажарувчи



ҲАЙИТ БАРАКАЛАР КЕЛТИРСИН

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Ҳар йилгидек, бу сафар ҳам Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримов жанобларининг фармони билан Ўзбекистон фуқароларига ҳаж ибодатини адо этишлари учун кўп қулайлик, енгилликлар берилди.

Яратган Аллоҳнинг:

وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَى
كُلِّ ضَمَامٍ يَأْتِيَنَّكَ مِنْ كُلِّ فِجٍّ عَمِيقٍ

«Ва одамлар орасида (юриб уларни) ҳажга чақиргин, улар сенга (яъни, сенинг давлатингга жавобан) яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-қолдан тойган туялар устида келурлар» (Ҳаж, 27), мазмунидаги ояти каримасига итотан Дин ишлари бўйича кўмита ва Ўзбекистон Мусулмонлари идораси тақдимига асосан Саудия Арабистони подшоҳлигининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси тўрт мингга яқин фуқарога ҳаж визаларини расмийлаштириб берди. Ҳожиларнинг «Новза» масжидида тўпланишлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ҳамроҳлиги ва кузатувида шинам автобусларда Тошкент халқаро қўналғасига боришлари, уларга кўрсатилаётган енгилликлар ва хизматлар, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» учоқларининг «Тошкент –

Жидда – Тошкент» йўналишида мунтазам қатнаб туришини таъминлаш Ўзбекистон ҳукуматининг мақтовга сазовор ишларидандир.

Икки муқаддас ҳарам ходими подшоҳ Фаҳд ибн Абдулазиз жанобларининг кўрсатмаларига биноан, ўзбекистонлик ҳожилар Саудия Арабистони подшоҳлигининг Жидда шаҳридаги «Подшоҳ Абдулазиз» номли халқаро қўналғада эҳтиром ила кутиб олиндилар, Макка мукаррамада ҳаж амалларини ўташ, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга саломлар йўллаш, Мадина мунаввара зиёратини кўнгилдагидай ўтказиш учун ҳамма қулайликлар ва имкониятлар яратиб берилди. Ҳожилар ҳаж ибодатларини тўлиқ адо этиб, ўз юртларига қайтгунларича уларга аъло даражада хизмат кўрсатилди.

Бу ибратли тартиб ва енгилликлар Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ҳукуматларининг ўзаро ёрдам ва ҳамкорликда ишлашлари, бир-бирларини яхши тушунишлари натижасидир. Аллоҳ таолонинг:

يَتَأْتِيهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَى
وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا إِنَّ
أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَى إِنَّ اللَّهَ
عَلِيمٌ خَبِيرٌ

«Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар, (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни турли-туман халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг хурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва огоҳ зотдир» (Ҳужурот, 13), мазмуни ояти каримасига амалан бўлган хайрли ҳамкорлигимиз давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларнинг юксак намунаси.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримов жанобларини, зукко ҳукуматини ва дўст ўзбек халқини ўтган Қурбон ҳайити муносабати билан яна бир бор чин қалбдан муборакбод этаман. Аллоҳ таолодан ўзбекистонлик ҳожиларнинг ибодатларини ҳажжи мабрур сифатида қабул этишини тилайман. Қурбон ҳайити эса бутун Ислом умматига ҳар йили хурсандчилик ва баракалар келтиришини сўраб қоламан. Ҳайит байрамларингиз муборак бўлсин.



Уста ОЛИМ

АСОС СОФЛИГИНИНГ ҲИКМАТИ

Яратганга имон келтирган ҳар бир банда Унинг розилигини, муҳаббатини ва мағфиратини истайди. Бандаларига меҳрибон Зот ўз розилиги, муҳаббати ва мағфирати мужассам бўлган амални шундай баён айлайди:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

“Айтинг (эй Муҳаммад): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинлар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади” (Оли Имрон, 31). Бинобарин, Исломи динининг илк давридан Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларига – уни асраш ва ҳимоялашга ҳамда татбиқ этишга жиддий эътибор берилди.

Муҳаддислар ҳадисларни Расулulloҳга (с.а.в.) боғланишига қараб *саҳиҳ*, *ҳасан*, *ва заиф*га ажратишди. Улар ҳадисни етказувчилар силсиласидаги барча кишиларнинг одил (шариат аҳкомларини бажарувчи) бўлиб, ёдлаш қобилиятларида халал бўлмаслиги, ҳадиснинг Сарвари Оламга боғлиқлигида асло эътироз йўқлиги, бошқа ишончли ровийнинг ривоятига зид келмаслиги ҳамда кўринмас айблардан ҳам холи бўлишини ҳадис саҳиҳлигининг шартини деб бел-

гиладилар. Баъзи нуқсонлари ўзгалар ривояти билан бар-тараф этилган ҳадисни *ҳасан*, нуқсонлари бар-тараф этилмаган ҳадисни *заиф* деб таърифладилар.

Инсоният ўз тарихида манбалар аниқлиги ва софлигига Исломдагидек жиддий талаб ва эътибор берилганини билган эмас. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига бу каби эътибор берилишининг сабаби уларнинг динимиз аҳкомлари учун Қуръони Каримдан кейинги иккинчи асос эканидадир.

Зеро, асос софлигига эътиборсизлик ҳукмлар ноқислигига сабаб бўлади. Айнан шунинг учун улардан бевосита ҳукмлар истинбот этган мужтаҳидлар ҳадислар далолатини белгиловчи шартларни таъйин этишиб, ҳадисларни *мутавотир*, *машҳур* ва *оход* каби турларга ажратишди.

Барча даврларда ровийлари беҳисоб бўлганидан ёлгон шубҳаси йўқ ҳадис *мутавотир*, Исломи динининг биринчи асридан сўнг мазкур сифатда бўлган ҳадис *машҳур* ва бу сифатда бўлмаган ҳадис *оход* деб белгиланди.

Мужтаҳидлар мутавотир ҳадислар далилларга ўрин қолдирмай, шубҳасиз илмни тақозо қилишини, машҳур ҳадислар далиллар асосидагина шубҳасиз илмни лозим этишини, оход ҳадислар бел-

гиланган шартлар мужассам бўлгандагина мақбуллигини қайд этдилар.

Муҳаддислар ҳадис даражасини аниқлашда унинг санадига – Расули Акрамга (с.а.в.) нечоғлик боғланишига диққат қилган бўлсалар, мужтаҳид фуқаҳолар бунга қўшимча тарзда ҳадис матнини кўпроқ мулоҳаза қилиб, белгиланган илмий тартибда баъзи нуқсон ҳадисларни, санади саҳиҳ бўлсада, рад этдилар. Бу йўл айнан саҳобалар тутган йўлдир. Саҳобаи киромларнинг Қуръони Карим оятлари муқтазосига зид баъзи ҳадисларни қабул қилмаганлари манбалардан маълум. Ибн Аббос (р.а.) ривоят қилган бир шохид ва даъвогар қасами билан ҳукм чиқаришни тақозо қилган ҳадис оятга зид бўлгани учун рад этилгандир. Шунингдек, машҳур ҳадисга зид маънодаги ҳадис ҳам қабул қилинмайди, дейди мужтаҳидлар. Муаммо умумий бўлган ҳолда унга тегишли ҳадиснинг машҳур эмаслиги, саҳобаларнинг ўша ҳадисга мурожаат қилмаганлиги ҳам ҳадиснинг нуқсонидир. Ҳадисларга бундай катта эътибор бериш динимиз софлигини таъминлашга асос бўлди.

Имом Фаҳрул Исломи Али ибн Муҳаммад Баздавий ўз усулларида қайд этганларидек, нафснинг ҳавога берилиши ва бидъатлар Қуръони Карим оятларига ёки машҳур ҳадисларига зид оход ҳадисларни қабул қилиш натижасидир.

“Оход ҳадисларнинг Расули Акрамга боғланиши қатъий бўлмаганига ва муқтазоси эътирозли эканига қарамай, баъзилар уларни асос билиб,

Қуръони Карим оятларини ва машхур ҳадисларни уларга (оход ҳадисларга) мувофиқ таъвил қилишади. Натижада ҳаво ва бидъатга йўл очишади. Баъзилар эса, оход ҳадисларни мутлақ рад этиб, қиёсга ё шаръий ҳужжат бўлмаган истисҳобга (олдин мавжуд бўлган ҳолат турганлигига ҳукм қилиш) амал қиладилар. Қиёс ҳужжат бўлса-да, эҳтимолга асослангандир. Истисҳоб эса, ҳужжат эмас. Бу тоифа кимсалар нодонлик ва инкор бобини очадилар. Бу икки тоифанинг ҳам йўли хатодир. Мўтадил ва тўғри йўл уламоларимиз (Аллоҳ таоло уларни ўз раҳматига олсин) тутган йўлдир.

Бу шундан иборат: уламоларимиз Қуръони Карим оятлари ва машхур ҳадисларни асос ҳисоблаб, буларга мувофиқ бўлган оход ҳадисларга ҳам амал қилишни вожиб дейишган. Оход ҳадис асосга зид бўлган ҳолда, асосга амал қилиш вожиб бўлади. Уламоларимиз муаммога хабарлардан ечим топилмаса, ҳожатни бартараф қилиш учунгина, ночор ҳолда қиёсга мурожаат қилганлар” (“Қашфул Асрор” Абдулазиз Бухорий).

Мужтаҳид фуқаҳоларимиз динимиз асосларига бундай диққатлари натижасида миллатга ишончли, илмий сардор бўлиб келдилар. У зотларга эргашган мусулмонлар эса осуда ва хотиржам ҳаёт ўтказдилар. Зеро, яхшиларга эргашиб яхшилик келтиради. Пайғамбаримиз (с.а.в.) фуқаҳолар хусусида шундай мужда берганлар:

«Аллоҳ таоло кимга яхшиликни истаса, уни динда фақиҳ қилади».



АЛЛОҲНИНГ ГЎЗАЛ ИСМЛАРИ

4. **Ал-Малик** — подшоҳи мутлақ.

Подшоҳи мутлақ — мулки ва ҳукми бардавом зот. Оламдаги ҳамма мажозий шоҳлар у Зот марҳаматига муҳтождир. Нафақат инсон, балки бутун борлиқ ал-Маликул Ҳақ амрида эканини унутмаслигимиз зарур.

5. **Ал-Қуддус** — айбу нуқсондан пок.

Аллоҳ таоло тасаввуримиздаги ҳар нарсадан покдир. Инсон ўзини шариатга хилоф бўлган феъллардан ва сифатлардан сақламоқни истаса, Аллоҳ таолонинг ал-Қуддус исмини қалбига жо қилсин.

6. **Ас-Салом** — махлуқотига зулми йўқ Зот.

Сазовор бўлган ҳақни бермаслик ё белгиланган жазодан ортиқ жазолаш зулдир. Аллоҳ таоло ҳаммага амалига

Азиз «Ҳидоят» ўқувчиси!

Ойномамизнинг ўтган сонида Жаноби Аллоҳ азза ва жалланинг гўзал исмларини бир-бир шарҳлашни бошлаган эдик. Унда «Аллоҳ», «ар-Роҳман» ва «ар-Роҳийм» исмларининг маънолари баҳоли қудрат шарҳланган эди. Ушбу хайрли ишнинг давомини эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

яраша ажр беради, ҳаммани гуноҳига муносиб жазолайди.

Ас-Салом Аллоҳ таолонинг инсонлар ўртасида зулм ва ноҳақликларни йўқ қилишга чорловчи муборак исмидир.

7. **Ал-Муъмин** — осудалик ва хотиржамлик берувчи зот.

Аллоҳ таоло осудалик ва хотиржамликни қўлга киритиш йўллари равшан баён айлади. Бу йўллардан борган ҳар бир шахс тинч ва хотиржам бўлиши аниқ ва собитдир.

Аллоҳ таолонинг ал-Муъмин сифати инсонларни ўзаро омонликда яшашга, дунё ва охиратда осуда ва саодатли бўлишга олиб борувчи йўлларга бир-бирларини чорлашлари зарурлигини ўқтиради.

**Саййид Аъзамхон тўра
СОТИБОЛДИХОН ўғли**

Тинчлик ва адолат учун

Қуддус черкови Патриархининг котиби Феодосий Ханна мусулмон давлатлари раҳбарларининг Қатарда бўлиб ўтган кенгашида иштирок этди. Қатар амири шайх Хаммод ат-Тани ва Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат таклифига кўра келган Феодосий Ханна анжуманда сўзга чиқиб, «Пайғамбарларнинг жафокаш ватани бўлмиш Қуддус насоролари ва мусулмонлар бир мақсадни – барқарор тинчлик ва адолатни кўзлайдилар», деб таъкидлади.

Хайрли таклиф

Русия ташқи ишлар вазирлиги «Ре-факс» Умумрусия жамоатчилик ҳаракатининг мамлакатни Ислом Анжумани Ташкилотига (ИАТ) аъзо қилиш борасидаги таклифини ўрганмоқда. Русиянинг Осиё ҳудуди мусулмонлари Диний бошқармаси муфтийи шайх Нагифулла Аширов шу ҳақда маълум қилди. Муфтийнинг айтишича, Русиянинг ИАТга аъзо бўлиши Масковнинг Фаластин муаммосини ҳал этишга иштирокини фаоллаштириши мумкин. «Ре-факс» гуруҳи таркибида Ливияда бўлган Нагифулла Аширов Тараблус Русиянинг бу интилишини маъқуллаганини айтди. «Ре-факс» вакиллари Ливияга бир қатор иқтисодий таклифлар, молиялаштириш лойиҳалари билан ҳам борганини таъкидлади. Давлат Думаси ноиб Кирбон Али Амиров Масковда ўтган матбуот анжуманида.

Ҳёте эътиқоди

Улуғ немис шоири Ҳёте ҳаёти ва ижодини ўрганган олимлар унинг адабий меросини юксак баҳолашади. Зеро, инглизлар учун Шекспир, руслар учун Пушкин қанчалик қадрли бўлса, немислар учун Ҳёте ҳам шунчалик мўътабардир. Шоир ижо-дида дўстлари ва яқинларига ёзган мактублари, «Шарку Фарб девони» айниқса муҳим ўрин тутди. Бу китобга кирган шеърлар Курьони Карим мутолааси ва Ҳофиз Шерозий асарларининг кучли таъсири остида битилган.

Ҳёте ўзининг мусулмонликни қабул эт-

ганини очиқ айтмаган бўлса-да, унинг жуда кўп асарларида бу динга яхши муносабати, уни юксак қадрлаши аниқ кўриниб туради. Унинг дунё ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари Ислом ақидаси асосларига ажабланарли тарзда уйғун келади. Шуниси аниқки, Ҳёте Курьонни илоҳий китоб, Муҳаммад алай-ҳиссаломни эса ҳақ пайғамбар деб билган. 1995 йилда Веймар шаҳрида шайх Абдулқодир ал-Муробитий бошлиқ бир гуруҳ тадқиқотчилар Ҳётенинг жуда кўп хатлари ва асарларини ўрганишлари натижасида шоир мусулмонликни қабул этган, деб хулоса чиқарган эдилар.

Эгасига қайтаришмоқчи

Исроил ва Миср ўртасида ўн йилдан буён давом этиб келаётган музокаралардан сўнг Исроил Синаини эгаллаган даврида бу ердан олиб кетган осори атиқаларни қайтаришга рози бўлди. Синай ярим оролининг тарихий мерос бўйича директори Муҳаммад Абдул Мақсуд айтишича, ўша йиллари 20 мингдан ортиқ ноёб ёдгорликлар олиб кетилган. Улардан 10 мингтаси исломий осори атиқалардир.

Русия ва ислом дунёси

ИТАР-ТАСС хабарига кўра, Русиянинг Ислом дунёси мамлакатлари билан муносабатлари ишончли тусга кирмоқда. «Ислом ва халқаро алоқалар» мавзусидаги анжуманда Русия ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академияси ректори Юрий Фокин шу ҳақда маълум қилди. Ҳукумат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар, мусулмон диний арбоблар, русиялик ва хорижлик олимлар иштирок этган анжуманда Русия ва мусулмон ҳамжамиятининг ўзаро муносабатларига алоҳида аҳамият берилди.



Интернет хабарлари асосида
Карим БАХРИЕВ
тайёрлади

Шухрат ИСМОИЛОВ,

исломшунос

СУННАТ НИМАЮ БИДЪАТ НИМА?

«Дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон мана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратдан қаерга қочади?»

Ислом КАРИМОВ

«Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шухратпарастлик, дабдабазлик, исрофгарчилик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшайтган одамларнинг ҳол-аҳволини ҳисобга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда».

**«Тўй-маъракаларни тартибга солиш ҳақида»ги
Президент Фармонидан**

Маълумки, 1998 йил 28 октябрда муҳтарам Президентимизнинг тўй ва маросимларни тартибга солиш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳақидаги фармонлари эълон қилинган эди. Мазкур фармонда муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин, дейилган.

Шундан келиб чиқиб, ўтказаятган тўю маросимларимизнинг қайси бири шариатимизга мос, қай бири бидъат эканини ва уларнинг Аллоҳ томонидан қабул қилиниши учун зарур шартлар нималардан иборатлигини билиб олишимиз лозим. Аввало, «суннат» ва «бидъат» деган сўзларнинг маъноларини кўриб чиқсак.

Суннат Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўзлари қилган ва қилишга буюрган ишлардир. Бидъат деб эса, шариат ҳукмлари комил бўлиб, Ислом дини мукамал бўлгандан кейин, Аллоҳ буюрмаган, Пайғамбар (с.а.в.) ўзлари қилмаган ёки қилишга буюрмаган турли янгича амалларни Исломдан деб қилишга айтилади.

Бу ҳақда Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай марҳамат қилганлар: «Каломларнинг яхшиси Аллоҳнинг каломидир, йўлларнинг яхшиси Муҳаммаднинг йўли, динга киритилган ҳар бир янгиллик бидъат, ҳар қандай бидъат адашишликдир, адашишлик эса, дўзахга олиб боради».

Амалларимиз қабул қилинишининг икки

шарти бор: бири шу амал Аллоҳнинг буюрганига, яъни, Қуръонга мувофиқ бўлиши, иккинчиси, Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) суннатларига уйғун келиши.

Фарзанд туғилганидан то балоғатга етгунча отага уч вазифа юклатилади: фарзандга муносиб исм қўйиш; яхши тарбия бериш; ўғил бўлса, хатна қилиш, уйлантириш, қиз бўлса, турмушга бериш.

Хатна суннат амал, аммо уни ичкилик-бозлик базмларига, кимўзар мусобақасига айлантириб юборилди: юз килолаб гуруч дамлаб ош берилади, той ясатилади, сарполар улашилади. Ҳолбуки, суннат қисми болани ётқизиш, хатна қилдириш, холос. Сўнг устага хизмат ҳақи бериб, рози қилиш. Қолган ишлар ҳаммаси бидъатдир, бидъатга сарфланган маблағ исроф, ўрнига ишлатилмагани учун кишини гуноҳкор қилади.

Никоҳ ҳам Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) суннатларидир. Ҳадиси шарифда: «Никоҳ менинг суннатим, кимки суннатимдан юз ўгирса, у менинг умматим эмас», дейилган. Аммо бу тўйларимизда ҳам исроф, кимошди, манманлик... Натижада баъзи ёшларимиз, менинг нима ишим бор, фалончининг отаси қилди-ми, сиз ҳам топасиз, менинг ундан қаерим кам, деб ота-оналарининг дилларини ранжитмоқдалар. Бу гапларни эшитган ота бечора нима қилсин? Бўзгигача қарзга ботиб бўлса ҳам, тўйга зўр беришга мажбур. Ҳолбуки, ота-она боласига тахт ясаб бериши мумкин, аммо бахт ясаб бера олмайди. Бахт эса, ортиқча сарф-харажатларда ё дабдабаларда эмас.

Ҳазрати Расулulloҳ (с.а.в.) қизлари Фотимани (р.а.) турмушга бераётганларида сепига битта бешик, битта шолча, битта ўғир ва битта кўрпача берган эканлар. Буни кўрган Абу Бакр Сиддиқдек (р.а.) зот, Аллоҳ расули қизининг сепи шуми, деб йиғлабдилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Эй Абу Бакр, вақтинча яшайдиган дунёга шу ҳам кўп», деган эканлар.

Амаллаб тўй ўтказилди, дейлик. Уч кундан кейин «чарлар» деган маросим бошланади. Бу ҳам кичикроқ тўйдек ўтади. Келганларга сарпо-суруқ, патнис-патнис мева-чеваю турли хил ноз-неъматлар, айниқса, саккиз, ўн хил овқат... Булар исроф эмасми? Ейилса ҳам майли, қандай кирган бўлса, шундай қайтиб чиқиб кетади. Ёз кунларида у бирпасда айнийди ва ташлаб юборилади. Аслида эса, қорин тўйгандан кейин ейилган таом ҳам исроф ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Қуръонда шундай марҳамат қилади: **«Енглр ва ичинглр, аммо исроф қилувчи бўлманглр, Аллоҳ исроф қилувчиларни яхши кўрмайди»** (*Аъроф, 31*); **«Яқин қариндошларга, мискин ва йўловчига** (хайру эҳсон қилиш билан) **ҳақларини адо қилинг, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Чунки исроф қилувчилар шайтоннинг дўстларидурлар. Шайтон эса, Парвардигорига бутунлай кофир бўлгандир»** (*ал-Исро, 26-27*).

Биз эса, топган маблагимизни исроф қилсак қиялпмизки, ён-атрофимиздаги етим-есирга, муҳтожу камбағалга, болалар ва қариялар уйларига беришни раво кўрмаймиз. Чунки биз ном чиқаришимиз керак, одамлар билиб, кўриб қўйиши керак. Аллоҳ йўлига берсак, уни ҳеч ким билмайди, гапирмайди-да.

Яна бир нозик масала борки, қанча айтган билан барҳам топмаяпти. Гап таъзия ҳақидадир.

Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) кўрсатмаларига кўра, уч кундан ортиқ аза тутиш йўқ. Ундан кейин кундалик ҳаёт одатдагидек давом этавериши керак. Айниқса, аёлларнинг қора кийимлар кийиб олиб, ойлаб мотамсаро юришлари айни бидъатдир. Фақат эри ўлган аёлгина, идда муддати — тўрт ойу ўн кун ичида одми, кўзга ташланмайдиган кийим кияди. Бу ҳам бўлса, эри ўлганининг ва у иддада ўтирганининг, ҳали унга совчи қўйиб бўлмаслигининг белгисидир. Идда муддати тугаса, яна ясан-тусан қилаверади. Бу нарса, хоҳловчилар энди совчи қўйса бўлади, деган маънони билдиради.

Майит чиққандан сўнг, «кир ювди», «уч», «етти», «йигирма», «қирқ», «эллик икки», «йил оши», «пайшанбалик», «яқшанбалик», «қор ёғди», «ўрик гуллади», «лайлак келди» ва ҳоказо номларда бир қатор маросимлар ўйлаб топилганки, буларнинг бирортаси на Қуръонда зикр қилинган, на суннатда учрайди. Бинобарин, буларнинг барчаси бидъатдир, шариятда йўқ амални қилганимиз учун қаттиқ гуноҳкор бўламиз.

Далили шуки, Пайғамбар (а.с.): «Аллоҳ таоло бидъатчининг намозини, рўзасини, закотини, ҳажини, умрасини, қилган фарз ва нафл амалларини, хайру эҳсонини қабул қилмайди, Исломдан худди хамирдан қил суғургандек чиқиб қолади», деб марҳамат қилганлар.

Яна бир ҳадисда бундай огоҳлантирганлар: «Кимки бидъатчини хурматласа, Исломни бузишга ёрдам берган бўлади».

Албатта, бу ишларни ўтиб кетган ота-оналаримиз ва яқинларимизга савоб етказиш мақсадида қиламиз. Аммо уларнинг ношаръий амаллар эканини, улардан марҳумга ҳеч қандай савоб етмаслигини кўпларимиз билмаймиз. Бунинг далили шуки, Пайғамбар (а.с.): «Марҳумга фақат уч нарсдан савоб етади, садақаи жория, фойдали илм ва унинг ҳаққига дуо қилувчи солиҳ фарзандан», деб марҳамат қилганлар.

Ота-онамга савоб етсин деган киши, аввало, яхши шаръий амаллар қилиб, уларнинг орқаларидан: «Эй Парвардигор, ота-онам ёшлик чоғимда менга қандай меҳрибонлик қилган бўлсалар, уларга шундай меҳрибонлик қил», деб дуо қилиши керак.

Марҳум ёзувчи ва шоир Шухрат Ёзган экан:

Сен онанг ўлганда ёздинг дастурхон,
Пистаю бодому қазию қарта.
Онангнинг ўзини қилдингми меҳмон,
Онанг тириклигида сен бирор марта?!

Дарҳақиқат, соғлом ақл билан ўйлаб кўрилса, вафотидан сўнг хўжақўрсинга қилинган зиёфатбозликдан кўра, ота-она тириклигида бир пиёла қаймоғу иккита иссиқ нон билан йўқлаш, кўнгилларини кўтариб, дуоларини олиш афзал эмасми?

Лекин шарияти исломийага мос амри маъруф (кишиларни яхшиликка буюриш) деган нарса борки, буни қилса бўлади. Чунки унда оят-ҳадислар ўқилиб, маънолари кишиларга тушунтириб берилади. Одамлар-

ни ёмон амаллардан қайтарилиб, яхши амалларга ундалади. Бундан, иншааллоҳ, ўлганларга савоб етади, негаки, бу нарса юқорида зикри ўтган ҳадисдаги ота-онасининг орқасидан дуо қилувчи фарзанд ҳукмига дохил бўлади. Бундан ташқари, доимо амри маъруф, наҳйи мункар (кишиларни ёмонликдан қайтариш) қилиб туришга шариятимиз буюрган.

Сўзимизнинг охирида бу айтилганларга бевосита ва билвосита алоқадор иккита ҳадиси шарифни келтирсак: «Аллоҳ таоло арши аълосининг соясидан бошқа соя йўқ кунда етти тоифа кишилар ўша сояда туради: адолатли подшо, ёшлигидан бошлаб ибодатда катта бўлганлар, қалби масжид билан узвий боғлиқ кишилар, Аллоҳ учун дўст тутиниб, Аллоҳ учун ажрашганлар, ҳеч ким йўқ жойда гуноҳларини Аллоҳдан сўраб йиғлаган одамлар, ўнг кўли билан қилган садақасини чап кўлига билдирмаганлар ва гўзал аёл ўзи билан зинога таклиф қилганида, мен бундай қилишга Аллоҳдан кўрқаман, деган кишилар».

«Қиёматда энг биринчи бўлиб дўзахга тушадиган одам Куръонни тўла ёдлаган қори, олим бўлади. Уни ҳисобга олиб келинади. Аллоҳ «Сен нима учун илм ўқидинг?» деб сўрайди. У: «Ё Аллоҳ, сенинг ризолигинг учун», дейди. Аллоҳ ва фаришталар: «Ёлғон айтасан, сен ўқиган пайтингда қалбингда, одамлар, бу жуда зўр олим, яхши ўқийди, деб айтсинлар, деган нарса бор эди, менинг ризолигимни топиш йўқ эди, сен ҳақингда ўша гаплар айтилган ва у сенинг оладиган ажринг эди, олинглар, буни дўзахга отинглар», дейди. Кейин Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлган кишини олиб келинади. У билан ҳам шу каби савол-жавоб қилинади ва у ҳам риёкорлиги учун дўзахга улоқтирилади. Охири энг кўп садақа қилган, сахий бойни олиб келинади. Савол-жавобдан сўнг, риёкорлиги учун у ҳам жаҳаннамга равона бўлади».

Демак, хўжакўрсинга, одамлар гапирсин учун қилинган ҳар қандай амалнинг жазоси жаҳаннам экан. Аммо ҳақиқий Аллоҳ ризолиги учун амал қилганлар бундан мустасно, улар, иншааллоҳ, жаннатларда бўладилар.

Муҳтарам юртбошимиз айтганларидек, бу дунёнинг қонунлари, жавобгарлигидан қочишимиз мумкин, аммо охиратда қаерга қочамиз?

МИСВОКНИНГ ФЙДАЛАРИ



- Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) ҳеч тарк қилмаган суннатлари.
- Аллоҳнинг розилигига ноил қилади.
- Оғиздаги ҳидни хушбўйлаштиради.
- Тишлар чиришининг олдини олади.
- Милк тортилишининг олдини олади.
- Бўғизга қувват беради.
- Оғиз сувини юмшатади.
- Шайтонни хафа қилади.
- Имон билан кетишликка сабаб бўлади.
- «Мисвок ишлатгандан сўнг ўқилган икки ракат (нафл) намоз, мисвокдан фойдаланмасдан ўқилган етмиш ракат (нафл) намоздан афзал».
- Имоми Авзои: «Мисвок кўлламоқ таҳоратнинг ярмидир» деганлар.
- Зеҳни очади, ёд олиш қобилиятини кучайтиради.
- Ҳазми яхшилайди.
- Юрак, меъда, кўз асабларини мустаҳкамлайди.
- Кўзларни равшан қилади.
- Назарни ўткир қилади.
- Кўз оғригини тўхтатади.
- Тилни яхши ва оҳангли сўзлашишга ўргатади.
- Овоз даражасини гўзаллаштиради.
- Заковатни орттиради.
- Кексайишни кечиктиради.
- Ўлимдан бошқа ҳар дардга шифо.
- Малакларни мамнун этади.
- Жон беришни осонлаштиради.
- Шаҳодат калимасини эслаттиради.
- Юзни гўзаллаштиради.

Олимжон МУСАЕВ
тайёрлади

Кудрат ДҶСТМУҲАММАД

ҒАССОЛ Й

И Ғ Л А Д И

Ҳикоя

— Мен ювиқчиман. Ёрдамга иккита одам топинг.

— Ўзим ёрдам бераман.

— Яна битта одамни ёнийзга олинг.

Атрофда, нима хизмат бор, дея кўзини тўрт қилиб турганлардан бирига имладим. Учовлон жасад ётган хонага кирдик. Май-йитни хотин-халаж ўраволган, қий-чув авжида эди. Бизларни кўриб сал тийилишди, кўрпачадан жой бўшатишди. Ғассол ўтирди-да, йигини бас қилинглари, демокчидек, овозини баралла қўйиб, марҳум ҳақиқа дуо қилди.

— Энди хонани бўшатишлар! Икки челақ иссиқ сув тайёрлаб, оғзини доқа билан ёпиб қўйинглари. Битта обдаста ёки чойгум, ёглоғи керак. Таҳоратли одам тайёрласин!

Хотинлардан биттаси ғассолга:

— Ярим соат тўхтаб туринг, — деди йиғи аралаш, — синглиси етиб келиши керак.

— Кутолмайман, соат ўн бир бўлди. Жаноза пешинга тайинланган.

— Йўқ! Кутасиз! — деб буйруққа ўтди аёл, йиғини бир ёққа улоқтириб, — Пешинга улгурмасайиз, асрга чиқаришади!

Ғассол тутақиб, нима дейишини билмай

қолди. Бу хонадонни яхши билганим учун гапга аралашдим:

— Опа, сиз хавотир олманг. Амаки юва-верадилар. Марҳумнинг сингиллари етиб келмагунча, биз тобутни кўтармаймиз. Келганларида юзини очиб кўраверадилар.

Гапим хотинларга маъқул тушди, ғассолга ёқмаганини билиб турибман, чунки май-йит кафанлангандан кейин юзини очиш мумкин эмас. Ғассол бунга рози бўлмайди, лекин ҳозир негадир индамади. Унинг сукутини розилик аломати деб билган аёллар тинчиди. Бир-иккитаси чиқиб кетди, қолганлар йиғини тўхтаган жойидан давом эттиришди.

Хонадон бекаси ўлимлик нарсаларни обкелиб, ғассолнинг олдига қўйди:

— Мана бу тугун сизга: чопон, кастим...

— Буларни қўятуринг.

— Мана бир тўп сурп, эллик метр, муш-ки анбар, совун, игна-ип... Яна нима керак?

— Пахта, қайчи.

— Ҳа, эсимдан чиқай депти. Мана, пахтаям бор... Ҳай, нариги хонадаги ишқобда қайчи бор, обчиқинглари.

— Манга иккита салафан халтача беринг, — деди ғассол.

Гапга аралашворганимни ўзим билмай қолдим:

— Резина қўлқоп бўлса, янаям яхши бўлади,

— Ҳа, ҳа, яхши, — деди ғассол. Менга бир қараб қўйди, сўнг яна ўлимлик нарсаларни кўздан кечиришда давом этди.

Унинг хаёлидан нима ўтди, билмадим-у, лекин менинг ёдимга бир воқеа тушди. Қайси бир йили қариндошим вафот этганида ҳам ғассолга ёрдамлашган эдим. У махсус резина қўлқоп олиб юраркан, ювишни бошлашидан аввал қўлига аранг кийган эди. Бугунги ғассол ортиқча чиқим қилгиси келмаганми ё резина қўлқоп тополмаганми, иккита салафан халтача сўраяпти. Халтани қўлга кийволиб ювсаям бўлаверади, аммо нокулайлиги бор: маййитнинг ҳамма жойини яхшилаб ювиш имкони бўлмайди. Ювғучиликниям ҳар ким ҳар хил бажараркан-да бошқа ишлар сингари. Кимдир астойдил, расм-русумини келтириб, кимдир мундироқ, қўл тегди — пичоқ тегди қилиб.

Одамлар назарида ғассол жуда нозик шахс, худди гўрков сингари. Унинг дилини оғритиб бўлмайди. Ахир, у ўликни ювади! Кечагина қўл олишиб, қучиб-ўпиб юрганингиз, бугун эса, этингизни сескантирадиган даражада совуқ бўлиб қолган мурдани яланғочлайди, яхшилаб уч марта ювади,

ўраб-чирмаб, йўргаклаб қўяди-я! Шундан-дир, ғассол ишини тугатгач, марҳумнинг кийим-кечакларидан арзийдиганлари, яна, бир чопон, кўйлак ва ҳоказо — ҳимматга қараб бир тугун қилинади, қўлига унча-мунча пул ҳам тутқазиб, машинага ўтқазиб, айтган жойига элтиб қўйилади.

Ғассол уй бекасига топшириқлар бера-туриб, сурпни қулочлаб-қулочлаб ўлчади-да, шарр-шарр йиртди. Тўртта бўлак қилади.

— Иккитасини бир-бирига улаб узунасига тикинлар! — деди.

Ҳозиргина оҳ-воҳ қилаётган хотинлар чеварликка тушиб кетишди. Ғассол сурп ўрамини яна ёйдириб, гоҳ белига, гоҳ қулочига чамалаб йиртди. Биз ёрдамлашиб турдик.

Хотинлар сурп бўлақларини ғассол айтгандек тикиб бўлишгач, ҳаммасини хонадан чиқариб юборди. Улар қўшни хонада йиғисини давом эттиришди. Онда-сонда йиғининг кучайганига қараб, янги таъзиячилар келиб қўшилганини билиш мумкин эди.

Гарчи дод-фарёддан марҳумнинг руҳи маънос бўлишини билсам-да, ҳозир эзилиб турганимданми, аёлларнинг фарёди менга оғир ботмади. Тўғри-да, кеча бор одам бугун орамизда бўлмаса...

— Тахтани олиб киринлар.

Эшик олдида тайёрлаб қўйилган тахтани кўтариб кирдик. Устига қора чармсмон мато қопланган тахта бир томонга нишаброқ қилиб ясалган эди. Ғассолга нишаби кам туюлди:

— Иккита ғишт топиб келинлар, сув чопқиллаб кетсин, — деди.

Ўз навбатида, ғиштни ташқарида турганларга буюрдим. То келгунича тоғора, иссиқ сувли челақлар, обдаста ва ёғлоғини олиб кирдик.

Ғассол маййитнинг юзини очди.

«Ўша-ўша осойишта, сокин нигоҳ! Кўзлар юмилган, холос! Ўлмаган бу одам! Ухлаб ётибди!»

Икки йил бурун юрак хуружи билан кўрпа-тўшакка михланиб қолди. Ярим йил ётди. Тузалиб оёққа турди. Яна ярим йилдан сўнг ишга чиққиси келди. Касалликдан чалғисам, яхши бўлиб кетарман, деб ўйлади. Дўхтирлар бир кунда икки соатдан ортиқ ишламасликни буюришди. Шундай қилди. Тетиклашиб, чеҳраси очилиб, кайфияти яхшилашиб бораверди. Бир куни, ноғохон, ишига оид эски ҳужжатлар текширилганда... Хуллас, уни айбдор қилишди. Ур-сур бошланди. Ахийри, яхшилаб текшириб қаралса,

ҳаммаси тўғри чиқди, текширувчи янглишган экан. Ҳақиқат қарор топди, лекин...

Тўғри, бу одам фаришта эмасди, айбла-ри ҳам бор... Тавба қилдим, тавба қилдим! Ўзинг кечир, Парвардигор! Нима қиламан марҳумнинг айбларини эслаб? Ундан кўра ўзимнинг гуноҳларимни ўйласам-чи! Ахир, бир кун келиб мен ҳам шу аҳволга тушаман-ку! Ушанда одамларнинг ёдига айбларим эмас, яхшиликларим тушсин! Осий бандан-ни мағфират қил, Аллоҳим!

Ғассол маййитнинг белидан белбоғ ўтказди.

— Яна битта одам чақиринлар, кўтаришга ёрдам беради. Биттайлар бошдан, биттайлар оёқдан кўтарасизлар. Учинчи одам белбоғдан кўтаради.

Ғассол қари эди, ўзини оғир ишлардан асрарди. Тўғри қилади. Жасад оғир, нима қилади ўзини уринтириб. Баъзи чоллар борки, ғайратига ишониб, ҳалиям ўзини йиғитдек ҳис қилаверади. Оғир ишлардан тийинмайди. Ҳолбуки, юрак чарчаб қолган, суяклар мўрт, томирлар юпқа... Ахир бир кун панд беради-да булар. Қарабсизки, фалончи инфарк бўпти, ёки тойиб кетиб, оёғи синибди, каби хабарларни эшитасиз.

Ташқаридан яна бир ёрдамчи келгач, жасадни бараварига кўтардик. Одам дегани шунақа оғир бўладими-я!

Гимирлаб юрган одамнинг оғирлиги бировга билинмайди, уни фақат Ер билади. Қадам босган жойига, оёқларига, юрагига қанчалар юк тушар экан-а! Неча ўн йиллар давомида орттирилган қорин, эт-суяклар, йиғилган ёғлар ўз-ўзидан кўчиб юргандек туюлади четдан.

Жасадни тахтага авайлаб қўйдик. Бош томонни ғишт билан баландлатдик. Ана, энди, сув тахтанинг оёқ томонига қўйилган тоғорага чопқиллаб тушаверади.

— Ечинтиринлар!

Аллоҳнинг номи билан ишга киришдик.

Иякни бўшатдик, бошмолдоқлар чизимчасини ечдик.

Менга қадрдон бўлиб қолган бу одамни шу аҳволда кўраман, ечинтираман, деб ҳеч ўйламаган эдим. Кийимларини ечатуриб, бир оз уринтирдим. «Кечирасиз, сизни қийнаб қўйдим», дедим, бир-икки дона кўзёшим юзига томди, бармоқларим билан артиб қўйдим.

Ғассол авратни қийиқча билан ёпди.

— Сув!

(Давоми келгуси сонда)

ИСЛОМ ВА ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ

Шу йилнинг 29-30 январ кунлари Фарғонада бошланиб, 1-2 феврал кунлари Тошкентда давом этган илмий анжуман «Ислом ва замонавий жамият» мавзусига бағишланди. Уни Амиқо Қўшма Штатлари элчихонаси билан республика «Устоз» жамғармаси бирга Сорос жамғармаси ҳомийлигида уюштиришган эди. Амиқодан ва Франсадан келган олимлар ҳамда ўзбекистонлик шарқшунослар тўрт кун давомида Исломнинг умуман жамиятдаги, хосса тан таълим соҳасидаги ўрни, давлат мактабларида динни ўқитиш, дунёвий жамиятларда диний озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масъулияти каби масалалар ҳақида анча-мунча фикрлашиб олишди. Анжуман ишида «Ҳидоят» номидан икки киши — ходимингиз Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон билан фаол муаллифингиз амиқолик тадқиқотчи Довуд Хунзикар иккимиз иштирок этдик.

Анжуманни АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Хёрбет мухтасар кириш сўзи билан очди. Табрикдан сўнг у жумладан бундай деди:

— Ислом динининг Амиқо жамиятидаги ўрни, нуфузи тобора ортмоқда. 1970 йилларнинг бошларида Амиқода мусулмонлар сони 2 милён эди, бугунги кунда 8 милёндан ошиб кетди. Улардан кўпчилиги динини ўзгартириб Исломни қабул қилган маҳаллий амиқоликлардир. Шу ҳолнинг ўзидан кетувнинг қандайлигини билди олса бўлади...

Бугун бизда икки хил: биринчиси, Амиқо Исломни ҳушламайди ва тазйиқ қилади; иккинчиси, терроризм ва жангарилик Исломдан, деган қараш бор. Иккала фикр ҳам хатодир ва бундай фикрлардан тезроқ қутулишимиз керак...

1 феврал куни асосий маърузачи амиқолик имом Яҳё Маҳмуд Хендий бўлди.

Яҳё МАҲМУД ХЕНДИЙ
(АҚШ)

АМИҚОДА МУСУЛМОНЛАР ТАЖРИБАСИ



Яҳё Маҳмуд Хендий асли Фаластинлик бўлиб, Урдун пойтахти Аммондаги университетда шариат илмидан таҳсил кўрган. Илк магистратурани ҳам шу университетда, шу соҳада битирди. Сўнг АҚШда ўқитиш давом эттирди. АҚШнинг энг етакчи ўқув

юртларидан бўлган Жўржтаун университетидан имом бўлиб ишлади ва дарс беради.

Амиқо мусулмонлари асосан икки гуруҳдан таркиб топган. Биринчи гуруҳи ўттиз-қирқ йиллар ичида Амиқога Яқин Шарқ ва бошқа мусулмон мамлакатларидан кўчиб келган ишчилар ва талабалардир. Иккинчи гуруҳи эса, бир замонлар қул қилиб Африқодан олиб келинган қора танлиларнинг авлодларидир. Кейинги пайтларда улар орасида Исломни қабул қилиш ҳаракати кучлидир.

Амиқо қитъасига илк келган мусулмон малилик Муҳаммад ибн Бақр (м. 1313 йил) бўлса, иккинчи дафъа улар Христофор Колумб билан бирга келишган. Колумб гуруҳига мусулмонларни киритмасдан иложи йўқ эди, чунки уша пайтлари жугрофия илмида мусулмонлар илгор эдилар.

Яқин-яқинларгача мусулмонлар Амиқо ижтимоий ҳаётида фаол эмас эдилар. Бунга асосий сабаб улар ўзларини бу диёрда вақтинчалик ҳис этардилар. Иш ахтариб келган бўлса, унча-мунча пул топиб, ўқишга келган бўлса, ўқишини тамомлаб, ҳамма барибир бир кун ватанига қайтишини ўйлаб яшарди. Охириги ўн йил ичида муҳожир мусулмонларнинг руҳиятида жиддий ўзгариш рўй берди. Кўплар она ватанларига қайтишдан воз кечиб, АҚШ фуқаролигини қабул қилди ва шу жамият ичида фаолият кўрсатишга қарор берди. Шу дамгача Амиқони «дорул ҳарб», яъни, Исломнинг душманлари диёри, деб ўйла-



ганлар аста-секин бу мамлакат мусулмонлар учун маънавий жиҳатдан ҳам катта имкониятлар беради, деган хулосага келдилар. Яъни, АҚШнинг Асосий Қонунида (конститутсиясида) мустақкам равишда белгилаб берилган ҳуқуқлардан, хусусан, виждон эркинлиги ва эркин гапириш-ёзиш ҳаққидан фойдаланиб, Ислом дини борасида ғайримусулмонларга тўғри маълумот етказиш ва бемалол исломий одоб-ахлоққа асосланган оила қуриш имкониятларидан баҳраманд бўлдилар. Натижа нима бўлди? Натижа шу бўлдики, масалан, 1990 йили Амиқо қуролли кучларида 400 нафар атрофида мусулмон аскар хизмат қилган бўлса, ҳозир 18000 аскар хизмат қилмоқда (АҚШда аскарлик хизмати мажбурий эмас, кўнгиллилар олинади, маънавий жиҳатдан ҳам катта имкониятлар беради, деган хулосага келдилар). Бу кўшиндаги мусулмонларнинг ва бошқа дин вакилларининг маънавий эҳтиёжларига қарайдиган 13 нафар имом ҳам бор. Яқингача раҳбар идораларда бирорта ҳам мусулмон йўқ эди, ҳозир ҳар хил лавозимларда Амиқо Конгрессининг (Олий Кенгашининг) ўзида 13 нафар мусулмон ишламоқда. Ташқи Ишлар вазирлигида ҳам мусулмонлар ишга киришган ва уларнинг маслаҳатлари борган сари кўпроқ талаб қилинмоқда.

Маънавий-диний фаолиятлари ҳам кенгайиб борапти. Мусулмонлар кўп масжидлар, диний мактаблар ва таълим марказлари қурмоқдалар. Ҳозир АҚШда 1500дан кўпроқ масжид бор. Ўзларининг диний эҳтиёжлари учун ва ғайримусулмонларга ишончли маълумот етказиш мақсадида исломий нашриётлар, ойнаи жаҳон кўрсатувлари ва радио эшиттиришлари бор. Анжуманлар, йиғилишлар уюштирилади ва хайр-эҳсон ишлари учун ташкилотлар ҳам вужудга келмоқда. Амиқода мавжуд ташкилотлар, расмий идоралар ва хусусий ширкатлар ҳам мусулмонларнинг диний эҳтиёжларига эътибор бериб ҳисоблашишади. Масалан, банклар мусулмонлар билан шартнома тузганда Ислом қонунларига биноан тузади. Қуръон ва Суннатнинг шаръий ҳукмларига мослаштирилади. Никоҳ ва бошқа оилавий масалаларда судлар ҳам исломий қонунлардан келиб чиқиб қарор қилади. Умуман айтганда, Амиқодаги мусулмонлар дунёвий жамиятда ўз кимликларини

сақлаб қолиш учун болаларини (диний илмларга) ўқитишга зўр беришади.

Шуларга қарамай, у ерда мусулмонлар ҳали ҳам баъзи қийинчиликларга дуч келади. Кўп амиқоликлар Исломни тушунмай, шахсан мусулмон билан танишиб кўрмай, Ислом террорчилар дини, деб нотўғри ўйлайди. Масалан, Оклахома штатида ҳокимият биносининг олдида бўмба портлаганида кўп одамлар ва матбуот бу жиноятда дарров мусулмонларни айблади. Ҳолбуки, жиноятчи аслида оқ танли ашаддий миллатчи амиқолик бўлиб чиқди. Бундай нотўғри фикрларнинг пайдо бўлишида мусулмонларнинг ростдан ҳам айби йўқ эмас. Баъзи бир ёмон ҳаракатлари ва ўйламай айтган сўзлари билан мусулмонлар бошқаларда салбий таассуротлар қолдиради. Кейинги йилларда бу масалада ҳам ижобий ўзгаришлар кузатиляпти. Масалан, авваллари Ислом фақат қоралаб ёзиларди, кейинги пайтларда эса, тадқиқотларга кўра, 3180 та мақола Ислом дини ҳақида ижобий фикр билан чиқди.

Аввалги йили ҳайит муносабати билан Оқ уйда учрашув чоғи мен Қуръони Каримдан:

يٰۤاَيُّهَا النَّاسُ اِنَّا خَلَقْنٰكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَّاُنْثٰى
وَجَعَلْنٰكُمْ شُعُوْبًا وَّقَبَاۤىِٕلٍ لِتَعَارَفُوْا اِنَّ
اَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللّٰهِ اَتْقٰىكُمْ اِنَّ اللّٰهَ عَلِيْمٌ خَبِيْرٌ

«Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёлдан (Ҳавво) яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишингизлар (дўст-биродар бўлишингизлар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздида энг ҳурматлирогингиз тақводорогингиздир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва огоҳ зотдир» (Ҳужурот, 13), маънодаги оятни келтирган эдим, АҚШ президенти Билл Клинтон ўтирган жойида ҳаяжонланиб кетди. Қайтадан сўраб билиб олди. Сўнгра ўзи сўзга чиққанида уни иқтибос қилиб келтирди ва: «Нақадар зўр оят экан, мен билмас эдим. Энди қаерга борсам, уни айтман», деди. Дарҳақиқат, ўшандан сўнг қаерга борган бўлса, шу оят маъносини ўқиди.

Вашингтондаги машҳур Жўржтаун университетиди ҳозир 324 нафар мусулмон ўқийди, шундан 72 фоизи қизлардир.

Дин одамларнинг ҳаётларига таъсири билан ўлчагани. Яъни, мусулмонлар ҳар доим *амр бил-маъруф ва наҳйи анил-мункар* (яхшилиққа буюриш ва ёмонликдан қайтариш) асосий вазифаларини бажарсалар, Амиқонинг жамиятига ижобий ҳисса қўшишлари мумкин бўлади ва ғайримусулмонлар бунга тан беради. Амиқо учун яхши бўлган нарса мусулмонлар учун ҳам яхши, мусулмонлар учун яхши бўлган нарса Амиқо учун ҳам яхши бўлиши керак. Амиқо учун ёмон бўлган нарса мусулмонлар учун ҳам ёмон, мусулмонлар учун ёмон бўлган нарса Амиқо учун ёмон бўлиши керак.

Икки юз йил Буюк Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистон 1950 йил 26 январда сиёсий мустақилликка эришиб, демократик республика деб эълон қилинди.

Аҳолиси 1 миллиарддан ошган, ҳар йили 2,1 фоизга ортмоқда. 52,1 фоизи саводхон. Ўртача умр — 62,8 ёш.

Пойтахти Деҳлида 9,5 милён киши яшайди. Йирик шаҳарлари: Бомбай, Калкутта, Бангалор, Аҳмадобод, Ҳайдаробод.

Майдони 3.287.263 км. кв. Шимолдан қорли Ҳимолай чўққилари, жанубда эса тропик ўрмонлар ўраб туради. Бенгал қўлтиғидан Ҳинд уммонига, ғарбда Арабистон денгизига чиқиш мумкин.



Ҳиндистон дунёдаги энг кўп миллатли мамлакатдир. Ҳиндистонликлар турли-туман динларга эътиқод қилишади. Жумладан, аҳолининг 85 фоизи ҳинду, 9,9 фоизи Ислом дини, 2,5 фоизи насроний ва бошқа динларга мансуб.

Мамлакат аҳолиси 17 тилда, 6844 лаҳжада сўзлашади. Давлат тили ҳинд тили.

«БОБУР ҲИНД ХАЛҚИНИНГ

Ҳиндистон маданият маркази мудири



— Аввало, йил бошларида рўй берган zilzila туфайли ҳинд халқи бошига тушган мусибатга таҳририятимиз номидан чуқур таъзия изҳор қиламиз.

— Ҳамдард-лигингиз учун ташаккур. Ўзбекистон ҳукумати, шахсан президент Ислом Каримовга талофатда қолган аҳолига кўрсатилган ёрдам учун миннатдорлик билдираман. Донишманд халқ айтганидай, ҳақиқий дўст бошга кулфат тушганда билинади.


— Ҳинд ва ўзбек халқлари дўстлиги илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Бу дўстлик ўрта асрларда, хусусан, бобурийлар даврида янада мустаҳкам бўлганини кўраемиз.

— Чиндан ўзбек халқининг ал-Беруний, ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Алишер Навоий каби буюк даҳолари номи Ҳиндистонда ҳам улугъ эҳтиромга сазовор.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йили давомида халқларимиз дўстлиги яна ҳам ривожланди, равнақ топди.

Жавоҳарлаъл Неру: «Бобур Ҳиндистонни эмас, балки ҳинд халқининг юрагини забт этди», деган эди. У Ҳиндистонга олимлар, санъаткорлар, усталар, хунармандларни олиб келди. Улар Ҳиндистонни она Ватанларидай эъзозладилар.

Ҳинд халқи бобурийлардан жуда мамнун бўлиб яшаган. Чунки улар Ҳиндистонга юксак маданият олиб келишган, гайриинсоний кўп одатларни ва маҳаллий аҳолини камситувчи қонун-қоидаларни бекор қилишган.





Мамлакат аҳолисининг 67 фоизи ҳинд ва инглиз тилларини эгаллаган.

Пул бирлиги — рупий.

1 АҚШ доллари 43 рупийга тенг.

Ҳиндистон мустақиллик йилларида ҳар томонлама тараққиётга эришди. Ҳозирги кунда саноати ривожланган ўн мамлакат қаторида қой олган бўлса, халқ фаро-

вонлигига эришиш, табиий имкониятларни ўзлаштириш борасида олтинчи ўринда. Ҳиндистон илм-фаннинг атом энергетикаси, фазовий технологиялар, биотехнология, электроника, океанография соҳаларида улкан ютуқларга эришмоқда.

Ҳиндистонда учта

Ислом университети, иккита Ислом институти, ҳар бир штатда биттадан йирик мадраса ва мамлакат бўйлаб минглаб мадрасалар фаолият кўрсатади.

Давлат бошлиғи — президент, у беш йил муддатга парламент аъзолари ва штатларнинг қонун чиқарувчи мажлислари томонидан сайланади.

ЮРАГИНИ ЗАБТ ЭТДИ...»

профессор ҚАМАР РАИС билан суҳбат

— Маълумки, Ҳиндистон халқи миллий-диний жиҳатдан ниҳоятда турфадир. Мамлакатда динлараро муносабатлар қандай йўлга қўйилган? Бу борадаги давлат сиёсати ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Аҳолининг кўп қисми ҳинду динига мансуб бўлса ҳам, Ҳиндистон дунёвий давлат ҳисобланади. Барча дин вакиллари тенг ҳуқуқлидир. Улар ўзаро дўстлик, ҳамкорликда ҳаёт кечирадилар, мамлакат равнақи учун меҳнат қиладилар.

Ҳиндистон мусулмонлар сони жиҳатдан дунёда Индонезиядан кейинги иккинчи ўринда туради. Мамлакатда 168 милён мусулмонлар яшайди.


— Ҳинд диёрига Ислом динининг кириб келиши ҳақида тўхталсангиз.

— Ислом Ҳиндистонга ҳижрий иккинчи асрнинг ўрталарида ёйила бошлаган. Мовароуннаҳрга Қутайба ибн Муслим Исломни ёйган бўлса, Ҳиндистонга бу динни Муҳаммад ибн Қосим олиб келган.



Ислом дастлаб Хитой атрофларига тарқалган. Милодий ўнинчи асрда Маҳмуд Ғазнавий, ундан сўнг Муҳаммад Фолий Ҳиндистонда ҳукм сурди. У Қутбиддин Абок исмли мусулмон қулини Деҳлига ҳоким қилиб тайинлайди. Хуллас, Қутбиддин Абокдан кейин Иброҳим Лўди, сўнгра Заҳириддин Муҳаммад Бобур... Яъни, бобурийларга қадар ҳам Ҳиндистонда 500 йиллик исломий тарих кечган эди.

Абдуқаюм ҲИКМАТ
суҳбатлашди





ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МАЪРИФАТ

Истиқлолга эришгач, республикамизнинг барча фуқаролари диний эътиқод эркинлигини ҳис эта бошладилар. Чор Русияси, сўнгра совет давридаги мустабид тузум боис маърифат ва маънавият ўрнини жаҳолат эгаллаб, юртдошларимиз диний илмлар (фиқҳ, тафсир, ҳадис, тасаввуф) ҳақида умумий тушунчаларга ҳам эга бўла олмадилар. Тошкент Ислом институти бутун СССРда ягона диний-исломий олий ўқув юрти эди ва ҳар томондан келган санокли талабаларга кучли назорат остида таълим берарди.

Шундай бўлса-да, бағрикент, имонли халқимиз динни, маърифатни қалбида сақлади ва шуури ила ҳис этиб турди. *“Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифода-лаб айтишимиз мумкинки, Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда”* (Ислом Каримов) сақланди, бугунги кун авлодига етиб келди.

Мустақил давлатимиз илк кунларидаёқ худосизлик мафқурасидан ғоз кечиб, турли миллат вакиллариининг эмин-эркин эътиқод қилишига, масжидлар, мадрасалар, синагога, черков ва бошқа диний ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйишга қатъа эътибор берди. Айни пайтда, мамлакат фуқароларига 1800 га яқин исломий ва 173 та ноисломий диний ташкилотлар хизмат қилмоқда.

Истиқлол Ислом маданияти, дунё динлари тарихи, диншунослик, манбашунослик каби йўналишларда изланишлар олиб боришга кенг йўл очиб берди. Жа-

ҳон тараққийига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз хотираси тикланмоқда, улар яратган ноёб дурдоналар халқимизга етказилмоқда, кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Бугун мадрасаларимизда талабалар диний, дунёвий фанлардан сабоқ оладилар, айни вақтда, бирор касб-хунар соҳиби ҳам бўладилар.

Мамлакатимиз мусулмонларининг муқаддас Ислом динига бўлган эътиқоди, буюк аждодларимиз меросини ҳартомонлама илмий ўрганиш, таҳлил этиш, шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаш мақсадида Президент Ислом Каримов Фармонига биноан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Университетнинг Ислом тарихи ва фалсафаси, фиқҳ, иқтисод ва табиий фанлар факултетлари таркибига кирган етти кафедрада диншунослик, исломшунослик, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологияси мутахассисликлари бўйича 220 нафар талабага таълим берилмоқда. Шунингдек, университетда Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази, манбалар хазинаси, университетни ривожлантириш жамғармаси, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликдаги “Дунё динларини қиёсий ўрганиш” кафедраси, академик литсей, кутубхона ишлаб турибди. Профессорлар, фан номзодлари ва малакали педагог-ўқитувчилардан иборат жами юз нафардан ортиқ устозлар талабаларга таълим-тарбия беришмоқда.

Ўзбекистон мустақиллиги туйғулган бошқа диний конфессия вакиллари ҳам ўз диний қадриятларини қайта тиклаш билан бир

қаторда, диний мутахассислар тайёрлаш, муқаддас жойларга зиёратлар уюштириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Жумладан, “Бир само остида” халқаро мусулмон-христиан анжумани, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги, Марказий Осиёдаги евангеллотеранлар жамоасининг 100 йиллигига бағишлаб халқаро анжуманлар ўтказилди.

Шуни афсус билан таъкидлаш керакки, ҳозир “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун бандларига зид фаолият юритаётган, рўйхатдан ўтиб олган баъзи диний ташкилотлар ҳам учраб турибди. Уларнинг миссионерлик фаолияти ёш йигит-қизларни бир диний эътиқоддан қайтариб, ўзгача таълим билан заҳарлашда, бошқа динга даъватчилик (прозелитизм) билан шуғулланишида кўзга ташланмоқда. Ҳолбуки, Қонуннинг 5-моддасида: *“Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига қиритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилади”*, деб кўрсатилган.

Хуллас, республикамизда турли миллатга мансуб аҳолининг диний ё дунёвий илм олиш ҳуқуқи кафолатлангани динлараро ва миллатлараро тотувликни тобора мустаҳкамлайди, Ватан, халқ равнақи йўлида баҳамжиҳат ишлашга ундайди.

Илёс МИРЗИЁДОВ

Халифа РАШОД

«19»

СОНИ НИМАЛАР ДЕЙДИ?

Маълумки, Аллоҳнинг расуллари (барчаларига Аллоҳнинг дуолари ва саломлари бўлсин) мўъжизалар билан қўллаб-қувватланган шахслардир. Бу мўъжизалар у зотларнинг ҳақиқатдан ҳам Халлоқи олам томонидан юборилганини тасдиқлайди.

Саййидимиз хотамун-набийиндан (с.а.в) олдин ўтган пайғамбарларнинг мўъжизалари замон ва макон билан чегараланган мўъжизалардир.

Ҳозир орамизда Мусо алайҳиссаломнинг таёқлари илонга айланганини кўрган киши йўқ. Исо алайҳиссаломнинг ўликни тирилтирганларига шохид бўлганлар ҳам топилмайди, албатта. Яъни бу мўъжизаларга муайян замон ва маконда яшаган инсонларгина гувоҳ бўлишган, холос. Нега деганда, аввалги пайғамбарлар маълум вақтга ва айрим қавмларгагина юборилган эдилар.

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) бутун башариятга ҳамда то қиёматгача пайғамбар қилиб юборилганлари учун у зотнинг мўъжизалари ҳам, табиийки, абадий, доимий ва узлуксиз бўлиши лозим эди.

Қуръони Карим ана шундай муҳташам, ҳамма замонларга ва ҳамма авлодларга хитоб қилган мўъжизадир.

Бугун биз Қуръон мўъжизаларидан бири ҳақида имкон қадар сўзлаймиз.

Маълумки, Қуръони Карим

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

оятга билан бошланади. Бу оятда ҳарфлар сони ўн тўққизтадир. Бу рақам эътиборимизни тортди ва унга тааллуқли жиҳатларни махсус тадқиқ қилиб, ҳайратланарли ҳолатларга дуч келдик. Маълум бўлишича, бу оятдаги калималар Қуръони Карим назмида бевосита ўн тўққиз рақамига боғлиқ равишда такрорланиб келади:

1. «Исм» сўзи Қуръонда 19 марта учрайди.

2. «Аллоҳ» лафзи эса жами 2698 марта такрорланади ва 19 сонига қолдиқсиз тақсимланади: $2698 : 19 = 142$

3. «Раҳмон» сўзи Қуръони Каримда 57 марта келади ва 19 сонининг учга кўпайтмасидан ҳосил бўлади: $19 \times 3 = 57$

4. «Раҳим» лафзи эса илоҳий Китобимиз назмида 114 марта такрорланади. Бу рақамнинг ҳам 19 га алоқадорлигини арифметик йўсинда кузатиш қийин эмас: $114 : 19 = 6$

Ўтмишдаги уламои фозиларимиз Қуръони Карим ҳарфларининг, сўзларининг ва оятларининг ададларини ҳисоблаб чиқирган. Дарвоқе, Қуръони Каримдаги суралар сони 114 тадир. Бу рақам 19 сонининг 6 га кўпайтмасидан юзага келади.

Эҳтимол, кимдир рақамлар мўъжизасини тасодифга йўйар. Аммо фикр қилайлик: бу ҳолат бир ё икки, жуда нари борса, уч марта учраса, тасодиф дейиш мумкин. Ҳолбуки, ўн тўққиз сонига алоқадор жиҳатлар кетма-кет ва бениҳоя кўп маротаба кўрилса, зигирдек инсофи бор киши бу ҳолни кўр тасодифнинг кўлига бериб қўймайди.

Ҳатто, Қуръонни Муҳаммад ёзган, деб бўхтон қилувчи ғайримуслим баъзи шахсиятлар ҳам ўйлаб кўрсинлар: оми бир киши қандай қилиб бундай улуг Китобни, ҳатто ҳарфларининг сони ҳам қатъий ҳисобли бўлган мўъжизакор Қуръонни ёза оларди?!

Дарҳақиқат, Қуръони Каримни Ҳазрати Расулулоҳга (с.а.в.) ваҳий орқали Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло нозил қилди. Қуръони Карим инсон сўзи, деган фикрни илгари сурувчиларнинг даъволари пучдир. Бунга куйидаги мисолда ҳам кўрса бўлади.

«Ўн тўққиз» (19) сони Муддассир сурасида зикр қилинган:

فَقَالَ إِنَّ هَذَا إِلَاسِحْرٌ يُؤْتِرُ ۞۴۴۞ إِنَّ هَذَا إِلَّا قَوْلُ
الْبَشَرِ ۞۴۵۞ سَأَصْلِيهِ سَقَرٌ ۞۴۶۞ وَمَا أَدْرَاكَ
مَا سَقَرٌ ۞۴۷۞ لَا يُبْقَى وَلَا يُدْرُ ۞۴۸۞ لَوْ أَحَاحَ لِلْبَشَرِ ۞۴۹۞
عَلَيْهَا تِسْعَةَ عَشَرَ

«Бас, у: «Бу (Қуръон Аллоҳнинг сўзи эмас, балки) фақат (аввалгилардан нақл қилинадиган) бир сеҳрдир. Бу фақат башарнинг сўзидир», деди. Яқинда мен уни Сақарга (жаҳаннамга) киритажакман! (Эй Муҳаммад), Сақарнинг нима эканлигини сиз қаердан ҳам билар эдингиз. У (бирон кофирни) қолдирмас ва қўймас (балки куйдириб ҳалок қилур)! (У беш юз йиллик масофадан) ин-

сонларга яққол кўриниб тургувчидир. Унинг устида ўн тўққиз (фаришта қуриқчилик-эғалик қилур)» (Муддассир, 24–30).

Салаф уламоларимизнинг иттифоқларига кўра, «ўн тўққиз» жаҳаннам соқчиларининг ададидир. Замонавий тафсирларига кўра эса, «ўн тўққиз» рақами

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

дир. Мана шу биргина далилнинг ўзи ҳам Қуръони Карим инсон сўзи эмаслигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

даги «исм» (اسم), «Аллоҳ» (الله), «Раҳмон»

(الرحمن) ёки «Раҳим» (الرحيم) сўзларининг бирорта ҳарфи бошқача бўлганида, Қуръон низомига халал етган, бузилган бўларди.

Энди қ ҳарфининг Қоф ва Шўро суралари-

даги ўрнига назар ташлайлик. қ ҳарфи Қоф сурасида 57 марта учрайди. Бу рақам 19 нинг 3 га кўпайтмасидан ҳосил бўлади. Шўро сураси Қоф сурасидан икки ярим баробар узун бўлса-да, қоф ҳарфи ҳам 57 ўринда келади. Бу икки сурадаги

қ ҳарфлари адади қўшилса (57 + 57 = 114), Қуръон сураларининг сони келиб чиқади.

Яна Қоф сурасининг 13-оятига эътибор берайлик.

«Қовми Лут» (قوم لوط) ибораси Қуръоннинг ўн икки жойида келади. Қоф сурасида эса, бу маъно

إِخْوَانٌ لُّوطٍ — «Ихвони Лут»

деб ифодаланган. Нега? Чунки «ихвон» ўрнига «қавм» сўзи ишлатилса, «қоф» ҳарфи биттага ортиб кетиб, эллик саккизга бўлиб қолар, «19» рақамига алоқадорлик қоида-низоми бузилар эди. Ўн тўрт асрдан ошибдики, Қуръоннинг бирор сўзи ёки ҳарфи

ўзгармаган. Акс ҳолда, бу муҳташам илоҳий низом ва буюк тартиб ўзгариб кетган бўлар эди.

Яна бир мисол. «Нун» ҳарфини олиб кўрайлик. Қалам сураси «нун» ҳарфи билан бошланади:

ن وَالْقَلَمِ وَمَا يَسْطُرُونَ

Ундаги «нун»ларнинг сони 133 тадир. Бу сон ҳам 19 га қолдиқсиз тақсимланади: $133 : 19 = 7$.

Шунингдек, «сод» (ص) ҳарфи Аъроф, Марям, Сод сураларида 152 марта такрорланади: $19 \times 8 = 152$. Агар «ص» «س» тарзида ёзилса эди, «сод» 151 та бўлиб қоларди. Ваҳоланки,

араб тилида «баста» - « بسطة » сўзи «сод» билан келмайди. Араблар «кувват» маъносини берадиган «баста» сўзини «син» билан қўллайдилар. Ол-и Имрон сурасидаги 96-оятда Макка сўзи «Бакка» - « بَكَّةَ » бўлиб, «б» ҳарфи билан келган. Буни ўзгартирсак, сонлар низоми бузилади.

Одатда «намоз» (صلاة) сўзи алиф билан ёзилади. Қуръонда эса (صلوة) (вов) билан ёзилган ҳолда келади. Агар бу ҳарфлар ўзгартириб ёзилса, Қуръоний низом бузилган бўлар эди.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога (с.а.в.) бежиз айтмаган:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

Яъни: «Албатта, Биз Қуръонни нозил қилдик ва, шубҳасиз, ўзимиз уни сақлагувчимиз» (Ҳижр, 9).

Ислому таълимотига кўра, Қуръон илоҳий китобларнинг сўнгисидир. Бинобарин, юқоридаги ояти каримада уни то қиёматгача йўқотмай, бузмай сақлашни Аллоҳ таоло ўз зиммасига олганлиги маълум бўлади. Шу боис Қуръони Карим, мана, ўн тўрт асрдан буён Пайғамбар алайҳиссаломга қандай нозил қилинган бўлса, худди шундайлигича сақланиб келмоқда.

Аллоҳу акбар.

Фарида САИФНАЗАРОВА,
фалсафа фанлари номзоди

ҚАЛБЛАРДА ЭЗГУЛИК УЙҒОНСИН

Ота-она ҳар бир ишда фарзандларига ўрناق. Уларни тўғри йўлга солмоқчи бўлган одам аввало ўзи тўғри бўлиши, фарзандларининг кўзига меҳр билан тик қарай олиши лозим.

Тўғри тарбия кўп жиҳатдан оналаримизга, аёлларимизга боғлиқ. Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланаётгани, жамиятимизнинг маънавий юксалиш сари юз тутаётгани қандай яхши. Аммо бозор иқтисодиёти мамлакатимизга чет эл сармоялари, замонавий техника ва технологиялар билан бирга, бизга ёт маданияти, дунёқараши, турмуш тарзини ҳам олиб кирмоқда. Бунинг устига, миллий қадриятларнинг мазмунига эмас, шаклига аҳамият бериш, манманликка, дабдабозликка ружу қўйиш ҳоллари камаймаётир. Жумладан, никоҳ тўйларида ҳамон сеп-сарпо, тақинчоқлар, мебеллар диққат марказимизда. Дастурхонга қандай ичимликлар, таомлар қўйилиши, қанча санъаткор хизматда бўлиши энг муҳим саналади. Мусиқа шовқинидан даврадагилар бир-бирларининг гапларини эшитолмайди. Давраларда спиртли ичимликларнинг кўп ичилиши, айниқса, одамни ранжитади.

Маълумотларга қараганда, оғир шаклдаги ичкиликбозликка чалинганларнинг 60 фоиздан ортигини 20–30 ёшли ўсмирлар ташкил этаркан. Айни шу иллат сабабли ёш оилалар бузилиши кўпайиб, ҳар йили 300–400 мингга яқин бола тирик етим бўлиб қолаётир.

Ахир бундай ҳол:

- исломий-миллий қадриятларимизни камситида;
- давлатимизнинг оила сиёсатига зид;
- оилада тўғри инсоний турмуш тарзини шакллантиришга тўсқинлик қилади;
- фарзандларимизнинг билим эгаллаш, касб ўрганиш имкониятларини чегаралайди;
- ён-атрофдаги бошқа оилаларга ёмон ибрат бўлади;
- ёшларни асосий мақсаддан чалғитиб, енгил ҳаётга чорлайди.

Кейинги пайтларда худудимизга афюн маҳсулотлар ҳам кириб, кенг тарқалаётгани катта ташвиш уйғотади. Олифта ҳаёт шайдолари хорижий мамлакатлардаги баъзи тоифаларнинг турмуш тарзига кўр-кўрона, беморларча ҳавас қилишмоқда. Бўш вақтлари видеосалонларда кечаяпти. Беҳаё филмлар қаҳрамонларига ўхшашга ҳаракат қилишади. Биргалашиб чет эл «хиппи»ларининг ашулаларини эшитиб, сигарет че-

Биз фарзандларимизни Ватан раънақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак.

Мен «етаклаш» деган сўзни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди. Чунки ҳаётга энди-энди қадам қўяётган ёш қалб, ёш инсон ҳамиша маънавий етакчига, мураббий-устозга муҳтож бўлади.

Ислоҳ КАРИМОВ,

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи балан учрашувда сўзланган нутқдан

кишади. Бу ёшлар бора-бора гиёҳвандлик ботқоғига ботишлари ҳеч гап эмас.

Ёмон ахлоқли ёшлар орасида қизлар сони ортиб бораётгани, айниқса, хатарлидир. Эртага улардан қанақа она чиқади? Ичкиликка, фоҳишалikka берилган, фарзанд туғиб ташлаб кетадиган аёллар шунақалардан пайдо бўлмайдами? Расмий маълумотларга қараганда, республикамызда 90-йилларнинг бошларида аёллар томонидан содир этилган жиноятлар жами жиноятларнинг 10 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 11,5 фоизга етган. Бу ҳол жамиятда юз бераётган ижтимоий шароитларга мос равишда ўзгариб бораёпти («Хуқуқ», 1999 й. 1-сон, 62-бет).

Ҳеч бир ота-она болаларига яхши одобдан ортиқ ҳада бера олмайди.

Ҳадис

Кузатишимизча, кўп аёлларимиз бола тарбиясидек муҳим ишга тобора эътиборсиз қарай бошладилар. Аксарияти кўчаларда «гап сотиш» билан овора. Бундай «суҳбатлар»нинг мавзуи бойлик ҳой-ҳаваси, кийим-кечак, нарх-наво, бемаъни латифалар ёки бачкана гийбат бўлади, холос.

Албатта, биз оналарни улуғлаймиз. Улар бу эъзозга муносиб бўлишлари учун, энг аввало, фарзандларини тўғри тарбиялашда фидойилик кўрсатишлари керак. «Тўққан она кундан яхши, боққан она ундан яхши», дейилади халқ мақолида. Боқиш фақатгина қорнини тўйғазиш, эгинини бутлаш эмаслигини ҳалигача тушунмайдиганлар бор. Онанинг асл мақсади фарзандининг меҳрга ташна қалбида эзгулик булоғини уйғотиш, яхшилик ниҳолини ундириш бўлмас экан, инсоннинг, умуман, жамиятнинг ҳам камолотга эришуви мушкул. Хуллас, оналаримиз фарзанд тарбиясига бир лаҳза бўлса-да, бепарво бўлмасликлари лозим.

«Ким Аллоҳга ҳақиқий ихлос билан таваккул қилса, Аллоҳ у бандасини, қуш уясидан чиқиб кетаётганда оч ва қайтганида тўйиб қайтганидек, ризқлантириб қўяди».

Имом ТЕРМИЗИЙ
ривояти

РИЗҚНИ ЕТКАЗУВЧИ ЗОТ БОР

Аллоҳга муқарраб инсонлардан бўлмиш Аҳмад ибн Динор ҳаётларида шундай бир ҳол юзага келдики, уйда на бирор егулик нарса, бозордан ул-бул харид қилай деса, на бирор танга қолди. Ўша паллаларда ул зот Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларини кўчириш билан машғул эди. Очликни унутиш учун ҳам ишга шўнғиб кетган, тўғрироғи, ишга шўнғиб кетгани учун ҳам очликни унутган эди. Саҳифаларга биринкетин ҳуснихат ила, ипга дурлар терилганидек, ҳарфлар тизиларди. Вақт ўтяпти, илм фидойиси бўлмиш зот эса, нафсига сабр тилаган ҳолда ҳадис кўчирар эди.

Кун ўтди, тун кирди. Атроф жим-жит, сукунат. Фақат қоғознинг нафис шитир-ши-

тирию қаламнинг қоғоз узра сийрилган саси эшитилади. Мойчироқнинг пилиги гоҳо чисир-чисир қилиб қўяди.

Шу пайт хонанинг қайсидир бурчагида бир сичқон пайдо бўлди. Журъати етгунча олимга яқин келди ва негадир атрофида айлана бошлади. Аҳмад ибн Динор ишдан бир оз чалғиб, сичқонни кузатди. Кўрқмасдан, бемалол юргани олимга нашъа қилди. Ёнида турган жомнинг лабига бармоқ учини юборди-да, бир ҳаракат билан сичқоннинг устига тўнкариб қўйди. Ва шу заҳоти бу воқеани унутгандек,

яна ёзишга тутинди.

Бир оздан сўнг яна бир сичқон пайдо бўлди. Хиёл муддат олимга мўлтираб-мўлтираб турди-да, тўнкарилган жом атрофида гирди-капалак бўла бошлади. Аҳмад ибн Динор бу ҳолни кўз қири билан кўрган бўлса-да, ишини тўхтатмади.

Жомни беш-олти айлангандан сўнг сичқон бирдан қўздан ғойиб бўлиб қолди. Сал ўтмай оғзида ниманидир тишлаб чиқиб келди ва олимнинг кўзи ўнгига ташлади. У нарса тилла танга эди. Бу ҳодиса қанчалик ғайритабиий бўлмасин, олим сабр билан ишини давом эттираверди.

Сичқон бу зотнинг рўпасида бир оз тикилиб турди-турди-да, яна инига кириб кетди. Яна бир тиллани

тишлаб чиқди. Яна кутди, яна инига кириб кетди.

Шу йўсин етти марта кириб чиқди. Аҳмад ибн Динор борган сари қизиқиши ортиб, аммо қимир этмай ўтираверди.

Ниҳоят, сичқон охириги кириб чиқишида битта бўш ҳамённи тишлаб келтирди. Тангаларнинг ёнига ташлади-да, олимнинг рўпарасига ўтириб олди. Гўёки, борини олиб чиқдим, бўлди, деяётгандек. Аҳмад ибн Динор ҳам буни фаҳмлаб, ҳалиги жомни бир четидан кўтарди. Вақтинчалик қамалиб қолган сичқон жуфтининг ёнига ўқдек отилиб чиқди ва жониворлар чириллаганича бир-бирларига суйкалишиб, бўйранинг қирроғидаги тешикка кириб ғойиб бўлишди.

Абдуқаюм МАҲКАМ ўғли
тайёрлади



Омонатнинг адоси
ризқ калитидир.

АЙРИЛИК

Юргимизда “Ислом, тасаввуф ва ахлоқ”, “Зикруллоҳнинг фазилятлари”, “Ҳажнинг фазилятлари ва назик жиҳатлари”, “Тасаввуф ва нафс тарбияси”, “Ҳақиқий севги” каби қатор асарлари чоп этилган ва қўлмақўл бўлиб кетган шайх Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратлари шу йил февралнинг 4-куни сўнг бор кўним топган ватани Австралияда янги бир масжиднинг очилиш маросимига кетаётган, автоҳалокатга учраб шаҳид бўлдилар.

Адабиёт ва илоҳиёт илми бўйича профессор, доктор, нақшбандийа тариқатининг

пири-муршидларидан, араб, форс, инглиз ва немис тилларининг билимдони бу муҳтарам зот Муҳаммад Зоҳид Қўтқу раҳматуллоҳи алайҳдек табаррук инсоннинг тарбиясини олган, куёви бўлган, унинг шайхлик силсиласини давом эттирган эдилар.

Бу зот ҳаёти том истиқоматдан иборат эди. Бир кўнгил одами ўлароқ Ҳақ ошиғи ва мусулмонлар муҳиби эди. Дунё мусулмонларининг ташвиш ва қувончи бир лаҳза ҳам қалбини тарк этган эмас. Бутун саъйу ҳаракатлари мусулмонга ўзлигини танитиш, Ислом динининг ҳақиқати ва моҳиятини англаштирдан иборат бўлган.

Аллоҳнинг тақдири экан, у



кишининг вафоти кўп мухлислари ва муридларининг қалбига чуқур изтироб солди. «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибун».

Сайфиддин РАФЪИДДИН

Фозил ЗОХИД

ҲАСРАТИ

Аллоҳ, Аллоҳ, не бўлди, қўлдан қаламим тушди,
Оқ қоғозга ҳарф эмас, ашким, аламим тушди.
«Уҳ» тортгандим, келди сас: «уҳ-уҳ» дема,
«хув-хув» де!
Ёдима пирим тушди, ичима дамим тушди.

Кажрав фалак айланди ё айланди бошимиз,
Дийдаларда айланди ҳалқаланиб ёшимиз.
Кетди пир, устозимиз, дўстимиз, қардошимиз,
Тақдирга тан бергали етгайму бардошимиз?

Дарвишу девонамиз, бу дам хуш дар дам эмас,
Қўй, табиб, доруларинг дардларга малҳам эмас!
Ерда эмас, ичдадир зилзила, хавф кам эмас,
Мунча ҳам доғланма, дил, силсила барҳам эмас!

Муршид қалбин тингладим: “Ғамни қўй,
Қуръон ўқи!
Ҳақни де, қўрқитмасин зулм ўқи, бўҳтон ўқи.
Бўлғил содиқ, эй солиқ, Ҳақ йўлида
жонни тик,
Зиммангда Аллоҳ ҳақи, Расулга байбат ҳақи”.

Илоҳи, қил жаннатий, ёр айлаб саодатни,
Масжид йўлида топди мақоми шаҳодатни.
Бандамиз, биздан дуо, изни Ҳақ-ла, муршидо,
Ўтинч шул: дариф тутма маҳшарда шафоатни.

Насихат

ЧИНАКАМ БАНДАЛИК

Қалби Аллоҳ севгиси билан тўла замонасининг буюкларидан бири Рабиъ ибн Ҳайсам (р.а.) уйларининг ичига қабр қазиган эдилар. Қачонки қалбларида қаттиқлик пайдо бўлиб, дунёга муҳаббат кўрсата бошласалар ёки нафслари бир нарсани орзу қилса, дарров ўша қабрга кирар, у ерда бир оз ётиб, қайтиб чиққач, ушбу оятни каримани такрор-такрор тиловат қилар эдилар:

حَقِّ إِذَا جَاءَ أَحَدَهُمُ الْمَوْتُ قَالَ رَبِّ
ارْجِعُونِي لَعَلِّي أَعْمَلُ صَالِحًا فِيمَا تَرَكْتُ

«Токи қачон улардан бирига ўлим келганида: «Парвардигор, мени (яна ҳаётга) қайтаргин. Шояд мен қолган умримда яхши амал қилсам», деб қолур (Мўминун, 99-100).

Сўнгра ўз нафсларига қарата: «Эй Рабиъ! Мана, (рамзий қабрдан) ёруғ дунёга қайтадан чиқдинг. Қани, Парвардигоринг розилиги учун хайрли ишларга бошла. Бир марта ҳақиқий қабрга киргандан кейин қайтишнинг ҳеч иложи йўқ. Қандай эзгу амалларни ниятлаган бўлсанг, ҳозироқ ҳаракатингни қил ва Аллоҳга ҳақиқий қуллик айла!» дер эдилар.

Эй оқил инсон! Ўликнинг юзини қабрда қиблага қаратиб қўйишда қанчалик фойда бор, билмадик. Аммо у юз ҳаётдалик чоғида қиблага қараш лозим эди.

«Улар қандай банда эди» китобидан
Фатҳиддин МАНСУР таржимаси

МЎМИН КЎНГЛИ АЗИЗ

Бугунги тезкор замонада инсоният кўп имкону бойликларга эришган бўлса-да, меҳр-оқибатга, ҳилмга зориқиш сезмоқда. Баъзан замондошларимнинг ўзаро муомалаларидаги дағаллик ва беҳурматликни кўриб (ўзим ҳам бундай нуқсондан холи эмаслигимни хотирлаб), безовта бўламан. Шунда беихтиёр Куръони Каримнинг Абаса сураси ёдимга келади. «Абаса» сўзи луғавий жиҳатдан «қош чимирди» маъносини беради. Сура: «У (Пайғамбар алайҳиссалом) ўзининг олдига кўзи ожиз киши келгани учун қош чимирди ва (ундан) юз ўтирди», деган мазмундаги оят билан бошланади. Воқеа эса қуйидагича: «Пайғамбар алайҳиссалом Қурайш зодагонларидан бир гуруҳини Исломга даъват қилиб турганларида олдиларига Абдуллоҳ ибн Умми Мактум исмли кўзлари ожиз саҳоба келиб бир неча бор: «Ё Расулуллоҳ, менга Аллоҳ сизга билдирган нарсалардан таълим беринг», деб такрорлайди. У кўзлари ожизлиги учун Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) бошқалар билан банд эканликларини билмаган эди. Пайғамбар алайҳиссалом Қурайш қатталари Исломни қабул қилишса, уларга эграшиб тобеълари ҳам мусулмон бўлиб қолади, деган умидда сўзлаётганлари учун қовоқ солдилар ва яна юз ўгириб, Қурайш қатталари билан суҳбатда давом этдилар. Шунда Пайғамбаримизга (с.а.в.) танбеҳ бўлиб оятлар нозил бўлди» (Куръони Карим, ўзбекча изоҳли таржима. Т., «Чўлпон» нашриёти, 607–608-бет).

Албатта, бу ўринда Пайғамбаримиз (с.а.в.) учун узрли сабаблар бор эди. Биринчидан, у зот Ислом равнақи йўлидаги тадбир устиди эдилар. Иккинчидан, Умми Мактумнинг (р.а.) кўзлари ожиз, Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) қош чимиришларини кўрмагани, кўнгли оғримагани табиий. Учинчидан, гарчи кўзи ожиз бўлса ҳам, эшитиш қобилиятига эга бўлган Умми Мактум (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) даъватларини тугатгунларича кутиб туришга масъул эдилар. Шунча узрли сабабларга қарамай: Сарвари коинот (с.а.в.) кейинчалик қачон Умми Мактумни (р.а.) кўриб қолсалар: «Марҳабо, эй менга Парвардигоримдан танбеҳ олиб берган зот», деб хушнуд қарши олар, уни ортиқ даражада сийлар эканлар. Чунки буюк тақво соҳиби бўлган Пайғамбаримиз (с.а.в.) Аллоҳ ризолиги йўлида ҳар қандай узрли сабабдан сўзсиз воз кечар эдилар.

Ушбу суранинг сабаби нузулидан жуда улуғ бир ҳикмат англашилади. Яъни, Аллоҳ имонли бандалар кўнглининг ободлигини ҳар нарсадан устунроқ қўяр экан. Йўқса, бутун оламларга раҳмат қилиб юборган севимли бандаси ва пайғамбарига танбеҳ бериш билан бизни огоҳ этармиди? Зора бундан биз мўминлар ҳам ибратлана олсак. Қош чимириб, танбеҳ олган зотнинг ҳалимлиги билан ўзимизнинг муомала одобимизни қиёсласак. Ҳазрат Навоийнинг қуйидаги мисралари ҳам бизни шундан огоҳ этмайди...

*Кимки бир кўнгли бузқунинг хотирин шод айлағай,
Онча борқим, Каъба вайрон ўлса обод айлағай...*

Узоқ ЖЎРАҚУЛ,

филология фанлари номзоди, ЎзФА Тил ва адабиёт институти илмий ходими

Изоҳли луғат

ИМОН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Имон: Ишониш. Истилоҳда: қалб билан иқрор қилиб, тил билан тасдиқлашдир. Яъни, «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ»ни ёхуд «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ» калималарини юракдан тасдиқлаб айтиш билан киши имонга мушарраф бўлади.

Имони ижмолий: Ижмолий имон. Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таблиғ этган нарсаларнинг ҳаммасига ишониш. Яъни, «Нима таблиғ қилинган бўлса, жумласи (ҳаммаси) ҳақдир», деб тасдиқ этиш.

Имони муфассал: Ишониш лозим бўлган нарсаларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида санаб тасдиқлаш. Яъни: «Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи вал-йавмил ахири

вал-қодари хойриҳи ва шарриҳи мин Аллоҳи таъала вал баъси баъдал-мавт» — «Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва элчиларига, охират кунига ва яхшилиқнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам Аллоҳдан эканига ва ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишондим».

Имони тақлидий: Салгина шубҳага ҳам мағлуб бўлиб қоладиган, бошқаларга тақлид қилиб келтирилган имон. Жоҳилларга хос имон ҳам дейилади.

Имони таҳқиқий: Имонга оид бутун масалаларни яқиний суратда талқиқ билан билиш ва яшаш; ҳақиқатини билиб ва ҳис қилиб имон келтириш; таҳқиқий имондан дарс берувчи асарларни садоқат билан ўқиш натижасида тақлидий имон таҳқиқий имонга айланади.

Имони йа'с: Чорасиз қолган, ҳаётдан умидсиз бўлган бир кимсанинг имони.

Имони би-л-охирот: Охиратга, ўлгандан сўнг тирилишига, ҳашр ва нашрга, жаннат ва жаҳаннамга ишониш.

Имони биллаҳ: Аллоҳга ва Унинг сифатларига ишониш.

Нормурод отанинг умри гилдирак устида кечди. Енгил машина минди. Битта ишхонада ишлади. Нечта раҳбар келиб кетган бўлса, барига хизматда бўлди. Айниқса, уларнинг болалари билан яхши чиқишарди. «Дода, бир мазза қилдилинг...» «Дода» ҳеч қачон йўқ демас эди. Баъзан мактабларига олиб борарди, боғчага, шифонага дегандек. Ишқилиб хизматчилик, мурасаю мадора...

Орадан йиллар ўтди. «Дода»лаб юрган болалар бугун куёвгўра, қизлар келинпошша. Баъзилари кўчада кўриб қолса, танийди, баъзилари танимайди. «Дода» ҳам нафақада. Ахир, кўзлар хира тортиди, асаблар чарчади-да...

Нормурод отага айниқса Ҳасан ва Ҳусанлар жуда ёқарди. Улар ўз фарзандидек бўлиб қолишган. Бўладиган бола бошидан, деганларидек, эгизаклар ҳам «мазза» қилишдан чарчашмас эди-ю, бироқ мактабларига машинада боришга сира унашмасди. Болаларнинг бу одоби «дода»га ёқарди. Шунинг учун ҳам уларга меҳри бўлакча бўлди. Афсуски, оталарининг умри қисқа экан, эгизакларни уйлантирди-ю, оламдан ўтиб кетди. Марҳумнинг ёр-биродарлари эгизакларни ёнларига олишди. Тезда улар ҳам оёққа туриб, топарман-тутарман бўлиб кетишди. Лекин «дода»ларини эсларидан чиқаришмади. Ҳаялламай келиб туришади. «Дода» уларни дуо қилади, Қуръон ўқиб, оталарининг руҳига бағишлайди.

Бугун ҳам эгизаклар «дода»нинг зиёратига келишди. Аллоҳнинг қудратини қаранг, бир-бирларига бир томчи сувдек ўхшашади-я. «Дода» баъзан ажратолмай, қийналади.

Эгизаклар ҳар доимгидек

ОҚИБАТ

«Аллоҳнинг раҳмати чиройли амал қилувчиларга яқиндир»

(Аъроф, 56).



қуюқ сўрашишди-да, бир нимани суюнчиламоқчи бўлгандек, отага қарашди.

— Ҳа, — дея кулди ота, — оғизларингнинг таноби қочшидан, мошина олганга ўхшайсизлар-а?..

— Э, шунча йил беармон минсангизам, барибир хаёлингиз мошинада-я, дода?

— Ҳа энди, товуқнинг тушига тариқ киради-да, болаларим. Машина олсаларинг ёмонми, яхши ният яхши, фаришталар омин дейди.

— Сиз бизни қўятуринг, дода, ўзингиз учун бир зўр нарсани ўйланг.

— Ўзим учун... ажабо, нима-

ни ўйлашим мумкин? Худога шукр, соғлигим яхши. Рўзгорим бут. Қари одамга бундан ортиқ яна нима керак?

— Яхшилаб ўйлаб кўринг-чи...

— Хў-ўш... ўйладим, болаларим, ўйладим.

— Унда айтинг, дода, айтинг.

— Мен учун энг зўр нарсани айтайми? Сизларнинг меҳру оқибатингиз, ҳа, шундай...

— Э, бу ишлар ўз ўйлига. Тополмадингиз-а, шаҳар бердингизми?

— Сизлардан бир эмас, ўнта шаҳар айланиб кетсин.

Ҳасан Ҳусанга қаради: «Сен айт». Ҳусан Ҳасанга им қоқди: «Ўзинг айт». Ҳасан гап бошлади:

— Дода...

— Лаббай.

— Наҳотки Ҳаж ҳақида ўйламаган бўлсангиз?

— Нима дединг, болам?

— Ҳажга боргингиз келмайдими, дода?

Ота ҳалидан бери бамайлихотир, ястанганича гурунглашарди. Бирдан сергак тортиб, йиғиштирилиб, чўккалаб олди. Бошини эгганча, узоқ жим қолди-да, чуқур хўрсиниб, деди:

— Нимага ўйламайин, болаларим, жудаям ўйлайман-да. Мўмин одам борки, ўйлайди, орзулайди. Лекин ўйлаш бошқа, қодир бўлиш бошқа. Ҳаж қодир бўлганларгагина фарз...

— Нега қодир эмас экансиз, мана, биз турибмиз-ку, ахир. Сиз болалигимизда бизни қанча мазза қилдиргансиз. Энди сизни биз ҳам бир «мазза» қилдирайлик-да. Отамиз ўрнида отамизсиз, дода...

Нормурод ота бир нима дея олмай қолди. Зотан, алақачон унинг хаёли Маккаи Мукаррама ёқларда кезар, тили дуога тушиб кетган эди.

Эркин МАЛИК

Суръат ИСХОК

ИСЛОМДАГИ МУҚАДДАС ЖОЙЛАР

Расулуллоҳ (с.а.в.) асос солганлари Масжидун Набавий тўртбурчак шаклида қурилган. Аввал бу масжидда Байтул Макдисга қараб намоз ўқилди. (Масжидул Ақсо Фаластинда жойлашган). Кейинчалик Аллоҳнинг ояти тушгач, қибла Каъбага қараб ўзгартирилди.

Ушбу масжидни қуришда Расулуллоҳ (с.а.в.) елкаларида тош таший туриб: “Эй Парвардигоро, охираат учун ҳаёт кечирмоқлик ҳақиқий ҳаётдир. Ансор ва муҳожирларни кечиргин”, дедилар. Қурилишдаги бу завқли фаолият масжид шарафини юксалтирди.

Исломда маблағ сарфлаб зиёратга чиқишга учта масжидга руҳсат берилган. Улардан бири Масжидун набавийдир. Бу ҳақда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Зиёрат учун учта масжидга сафарга чиқилади – Масжидул Ҳаром, Мадинадаги масжидимга ва Масжидул Ақсога”, деганлар.

Яна айтганларки: “Кимки менинг масжидимга кириб бир яхши нарсани ўрганса ёки ўргатса, гўё Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб юрган мужоҳид кабирдир”.

Айни чоқда, Расулуллоҳ (с.а.в.) ушбу масжидда ўқилган намоз даражаси баланд бўлишини ҳам айтиб кетганлар: “Менинг масжидимда ўқилган намознинг даражаси (яъни, савоби) бошқа масжидларда ўқилган намозлардан минг даража афзалдир, илло, Масжидул Ҳаром бундан мустасно”. Бошқа бир ҳадисларида: “Мен пайғамбарларнинг тугатувчисиман (яъни, охиригисиман), бу масжид эса, пайғамбарлар масжидларининг охиригисидир”, деганлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) масжид-

лари Ислом маркази, таълим ўчоғи эди. Ривоят қилишлари-ча, Тавба сурасининг 108-оятида (мазмун): “Биринчи



Расулуллоҳ

саллаллоҳу алайҳи васаллам

масжидлари



кундан тақво асосига қурилган масжид борки, сиз ўшанда туришингиз лойиқдир. Унда покликни севадиган кишилар

бордир. Аллоҳ эса ўзларини мудом пок тутгувчи зотларни севар”, дея эслатилган масжид айна шу масжиддир.

Бу масжидда Расулуллоҳ (с.а.в.) Қуръон оятларини ўқиб, дин аҳкомларини ўргатардилар. Саҳобалар бу масжидда Аллоҳни зикр қилардилар, эътикофда ўтирардилар. Ушбу масжидда Равзаи Мутаҳҳара (яъни, жаннат боғларидан бир боғча) ҳам бор. Расулуллоҳ (с.а.в.) бунга ишора қилиб: “Уйим билан минбаримнинг, орасида жаннат боғларидан бир боғча бор”, деганлар. (Яъни, Расулуллоҳ (с.а.в.) уйлари масжид ичида жойлашган, минбар билан Расулуллоҳ (с.а.в.) уйлари-нинг ораси 30 қадамча келади. Шу оралиқ Равзаи Мутаҳҳара дейилади).

Расулуллоҳ (с.а.в.): “Қачонки жаннат боғларидан ўтаркансиз, ўтланглар (яъни, фойдаланинглар)”, дедилар. Саҳобалар: “Жаннат боғлари нима ўзи?” деб сўрашди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Зикр ҳалқалари!” деб жавоб бердилар.

Масжид шаънини шарафлайдиган нарсалардан яна бири Расулуллоҳ (с.а.в.) аёллари хонадонининг шу Масжидга уланганидир. Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этгач, ушбу масжидга дафн этилишлари, кейинроқ ёнларига Ҳазрати Абу Бакрнинг (р.а.) дафн этилишлари, сўнгроқ Ҳазрати Умар ибн Хаттобнинг (р.а.) ҳам шу ерга кўмилишлари масжид шарафини яна ҳам ошириб юборди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) қабрларини зиёрат қилиш Исломда суннат амаллардан бири бўлиб қолди.

ЧИРИК ТИШ

Маълумки, ҳар овқатдан сўнг тишларимизни тозаласак, оғиздан ёмон ҳид кела бошлайди. Кўзга кўринмас махлуқчалар (бактериялар) пайдо бўлиб тишларимизни кемиради. Бора-бора тиш чириydi. Оғриқ туради. Унинг азобини эслатишга ҳожат бўлмаса керак. Баъзи китобларда: “Тиш оғриғи қабр азобининг заррасидир” дейилган.

Боз устига, чирик тишлар таъсирида оғиз бўшлигининг айнаши инсоннинг ижтимоий ҳаётдан узоқлашишидек ёмон оқибатларга олиб келади.

Азизлар! Қаранг, ҳар емакдан кейин тишларни мисвок ёки тиш мойи билан ювишдек оддий бир тозалик ишининг бажарилмаслиги инсон ҳаётида қандай ёмон натижаларга сабаб бўлади. Шундай экан, икки жаҳон саодатининг илоҳий давоси бўлмиш Куръони Каримда чексиз раҳмат соҳиби улуғ Раббимизнинг: “Аллоҳ покланганларни севади”, “Аллоҳ тав-

ба қилганларни севади” деган фармони субҳонийларига амал қилмасак, дунёда ва охиратда аҳволимиз нима кечади?!

Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадиси шарифларидан бирида: “Ҳар бир гуноҳ қалбда қора доғ ҳосил қилади”, деб марҳамат қилганлар.

Одамзот биронта олд тишига озгина доғ тушса, дарров дўхтирга мурожаат қилиб, уни тозалаттиради ёки олдириб ташлаб, қимматга бўлса ҳам, худди аслидагидек рангда ясама тиш қўйдиради. Чунки гўзаллиги йўқолишини хоҳламайди.

Қалбларимиз эса, раҳмати чексиз Раббимизнинг назаргоҳидир. Аллоҳ қалбимизга кунда етмиш минг марта назар ташлайди. Гуноҳ доғлари босган қалбимизни Раббимизга қандай кўрсатамиз? Илоҳий назарни қандай жалб қила оламиз, буни ҳеч ўйлаб кўрдикми? Ажабо, тиш тозалиги ва гўзаллигига

этибор берганчалик қалб тозалигига ҳам этибор берамизми?

Ҳолбуки, қалбларни поклаш тишларни тозалашдан осон бўлмаса-да, тишларни тозалашдай қиммат ва изтиробли эмас. Расулulloҳ (с.а.в.): “Қалблар ҳам кирланади, уни жиллантининг», деганларида саҳобалар сўрашди: “Нима билан, ё Расулulloҳ?” Буюрдилар: “Тавба билан” (“Саҳиҳи Муслим”).

“Ла илаҳа иллalloҳ” зикри қалбларимиз учун шундай бир бебаҳо неъматдир.


Асримиздаги энг даҳшатли маънавий касаллик ҳисобланган тушкунлик, умидсизлик, асаб таранглиги (стресс), бадбинлик фақат “Ла илаҳа иллalloҳ”нинг зикри билан шифо топади. Чунки Раббимиз Раъд сурасининг 28-оятни каримасида шундай марҳамат қилган (мазмуни): “Огоҳ бўлингиз-ким, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур”.

“Тафаккур оинаси” китобидан
Салима МУЛЛАБОЕВА

таржимаси

Тиббиёт бурчаги

НОН: ФОЙДАЛИМИ? ЗАРАРЛИМИ?



Ҳеч қачон меъдага тегмайдиган таом нондир, у ҳамма овқатларга қўшиб ҳам, алоҳида ҳам истеъмол қилинади.

Бугдой инсоннинг фикрлашига ижобий таъсир этадиган асосий озуқалардан ҳисобланади. Ўтмишда улуғлар гўшт-ёғдан ўзларини тийган бўлсалар ҳам, нондан юз ўғирмаганлар. Аммо гап уни қандай еишида.

Табобат доим нонни суви қочган, ҳатто қотган ҳолатда истеъмол этишни тарғиб қилиб келди. Нима учун? Чунки суви қочган, қотган нон ёки нон талқони ошқозон-ичак йўлларини яллиғланишдан сақлайди, уларни тозалайди ва ҳазм аъзолари-

даги шиллиқ ажратувчи безларга ижобий таъсир ўтказиши.

Қаттиқ ёки суви қочган нонда, айниқса, нон талқонида хамиртуруш ачитмалари қолмайди. Аксинча, юмшоқ нонда, айниқса, иссиқ нонда хамиртуруш ачитмаси кучли бўлиб, у ошқозон-ҳазм йўлларидоги шиллиқ безларига ўта салбий таъсир қилади, турли касалликларни келтириб чиқаради, ичаклар яллиғланишига олиб келади.

Бундан, баъзи хорижий журналларда ёзилаётганидек, хамиртуруш зарарли, деган хулоса чиқмайди. Хамиртуруш солинмаса, хамир ошмайди, етилиб чиқмайди. У ноннинг асо-

сидир. Нонга нонлик кўринишини беради, узоқ турадиган қилади, ранг, маза-матра киргизади ва овқатларнинг ҳазм бўлишида фаол қатнашади, одамнинг ортиқча озиб кетишига йўл қўймайди, қонни кўпайтиради ва тозалайди. Хамиртурушли ноннинг яна бир қанча ижобий томонлари борки, улар бошқа неъматларда йўқ. У фақат, юқорида айтганимиздек, иссиқ нондагина зарарли бўлади.

**Абдулазиз табиб
САИДНУРИДДИН ўғли**

Бир саволим бор



Кўлимни эҳтиётсизлик қилиб жароҳатлаб олдим. Таҳорат пайтида нима қилмоғим керак?

Уста АҚМАЛХОН,
Тошкент шаҳри

Жавоб. Таҳорат олишда ювилиши лозим бўлган аъзолардан бирида жароҳат бўлса, қаралади: агар унга совуқ сув зарар қилса, иссиқ сув билан ювилади. Иссиқ сув ҳам жароҳатга зарар қилса, унга бевосита масх қилинади. Яъни, қўл хўлланиб, жароҳат сийпалади. Агар жароҳатга бевосита масх қилиш имкони бўлмаса, жароҳат боғлан-

ган докага масх қилиш керак. Бунда жароҳат таҳоратли ҳолда боғланган бўлиши шарт эмас. Жароҳат боғланган докага масх тортиш муддати чегараланмаган («Ҳадиййатус саълуқ»).

Муаззин иқоматни юриб айтиши мумкинми? Ният қилиб бошланган намозни қандай ҳолларда бузса бўлади?

Эргаш ШЕРОВ,
Самарқанд

Жавоб. Муаззин азон ва иқомат айтаётганда гапириши ва юриши жоиз эмас. Чунки бу иккиси намоз сингаридир. Агар “Қод қоматис-солаҳ” сўзига келса, ихтиёрлидир: иқоматни жойида тугатиши ё бошқа сафга ўтиши учун юриши мумкин («Фатовои Қозихон»).

Бошланган намозни бузиш ҳолатига кўра ҳаром, мубоҳ, мустаҳаб ё вожиб бўлади. Намозни ҳеч бир узрсиз бузиш ҳаромдир. Молга талофат ети-

ши мумкин бўлган ҳолда намозни бузиш мубоҳ бўлади. Шахс ҳаётини қутқазиш учун эса, вожибдир. Комил адо этиш ниятида намозни бузиш мустаҳаб («Раддул Мухтор»). Яъни, масалан, ёлғиз ўзи фарз намозни ўқиётганда жамоат намозига имом шуруъ қилса (пешин, аср ё хуфтон намозиди), ҳали бир ракатни ўқимаган бўлса, намозни бузиб имомга иқтидо қилади. Бир ракат ўқиб қўйган бўлса, яна бир ракат қўшиб, икки ракатни тугатади ва имомга эргашади. Агар учинчи ракатга турган бўлса-ю, сажда қилмаган бўлса, ташахҳудга қайтади, салом бериб жамоатга қўшилади. Учинчи ракат саждасини қилган бўлса, намозни тўла ўқийди ва пешин ҳамда хуфтон намозларида жамоат фазилатига илиниш учун нафл ни-

ятида имомга иқтидо қилади. Аср намозидан сўнг нафл ўқиш макруҳ бўлганидан бу ҳолда жамоатга қўшилмайди.

Бомдод ва шом намозларида мазкур ҳолда бир ракат ўқиса-ўқимаса, намозни бузиб жамоатга қўшилади. Аммо иккинчи ракат саждасини адо этган бўлса намозини тўқис адо қилади. Имомга иқтидо қилмайди. Зеро, бомдод намозидан сўнг қуёш кўтарилгунча нафл намоз ўқиш макруҳдир ва уч ракат нафл намоз ҳам йўқ. Айтилган намоздан бир тарафга салом бериш билан чиқишини унутмаслик лозим («Хулосатул фатово»).

Пешин ва жума намозларининг олдинги тўрт ракат суннатини бошлаб қўйган бўлса, икки ракат қилиб тугатади ва жамоатга қўшилади, хутбага қулоқ солади («Ҳидоя»).

Усули дин нима? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Хидир ДЎСТМУРОДОВ,
Денов

Жавоб. Усул «асл» сўзининг кўплик шаклида бўлиб, томир ва асос маъноларини билдиради. Усули дин — дин томирлари ва асослари демак-

дир. Ақидага доир китобларда усули дин саккизта деб қайд қилинган. Улар куйидагилардир:

1. **Тавҳид** — Аллоҳ таолога улуҳийат ва рубубийатда ширк келтирмаслик. Ёлғиз Унга сифиниб, Ундангина умидвор бўлиш.

2. **Аدل** — ҳаёт ва дин ишларида рост-тўғри туриш.

3. **Амомат** — дин ва дунё ишлари бир келиб қолганида аввал диний ишни адо этиш.

4. **Нубувват** — Пайғамбари-

миз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва ул зотдан муқаддам ўтган барча набий ва расулларга имон келтириш.

5. **Амри маъруф** — эзгулик-ка амал қилиш ва буюриш.

6. **Наҳйи мункар** — ёмонликдан қочиб ва қайтариш.

7. **Тавалло** — Аллоҳ таоло учун дўст тутиш.

8. **Табарро** — Аллоҳ таоло учун ёмон кўриш.

ЯХШИЛИККА БАХШ ЭТ БОРИНГНИ



* * *

Кўнгил ортиқлиги ҳар турдин ортиқ
 Ки ёр ишқи малак, суқсурдин ортиқ.
 Ғурбат саҳросида ташна ғарибга
 Томчи ҳикмат суви минг дурдин ортиқ.
 Халқни алдаб юрган мунофиқ бўлур,
 Унинг маъсияти манфурдин ортиқ.
 Аброр, яхшиликка бахш эт борингни,
 Дин дардини чеккан Мансурдин ортиқ.



Ғанимат

Гуноҳ касбинг эди, ғуфрон ғанимат,
 Улуғ йўл узрасан, эҳсон ғанимат.
 Адам саҳросида бир дам тириксан.
 Меҳр улашиб қол, инсон ғанимат.
 Эсиз нодонларга сочилган ирфон,
 Доно билан кечган ҳар он ғанимат.
 Сафар вақти яқин, бир кун ўтарсан
 Бу манзилдан, фақат имон ғанимат.
 Нечук кўнглинг бу кун мажруҳ, иложсиз,
 Илож қилмоқ учун Куръон ғанимат.
 Баданда қалб қуши сардор эмасму,
 Фидо қил Ҳақ учун, имкон ғанимат.



* * *

Кулмоқда лаззат истасанг, йиғлаб боқ,
 Гар муродинг ёр васли, тун бўзлаб боқ.
 Роҳати дил менсимас тан бардини,
 Дил роҳатиң десанг, ҳақни сўзлаб боқ.

* * *

Нокасу нодон ичинда овқату нондан гапир,
 Қалби қашшоқлар аро шавкату шондан гапир.
 Аброро, ҳушёр бўл, сенга эрмас бу сифат,
 Аҳли дардлар даврасида нури имондан гапир.

Аброр МУХТОР,

Тошкент олий Ислоҳ маъҳади толиби

САҚЛАСИН
ИМОННИНИ

Бир сабаб бирла худойим берса ризқи-нонини,
 Ҳам муҳайё айласа барча эрк-имконини,
 Ҳам муқаррам қилсаю очса раҳмат конини,
 Тикласа бизлар учун ноз-неъмат хирмонини,
 Ким дегай гар бандаман, пок сақласин имонини.

Ғафлатда қолдик-ку чунон дунё ғамига берилиб,
 Худписанд бўлдик тамом бойлик ила керилиб,
 Сиртмоқ каби бўйинда минг бир гуноҳ терилиб,
 Дунё дея тарк этдик қулчилик мезонини,
 Ким дегай гар бандаман, пок сақласин имонини.

Чарх урар кўҳна фалак, бандалар ғамини еб,
 Ер кўқарар амри-ла осмоннинг намини еб,
 Кун ўтар, даврон ўтар инсоннинг дамини еб,
 Аритдикми эл-юртнинг бир оғир – армонини,
 Ким дегай гар бандаман, пок сақласин имонини.



Тошболта ИМОМОВ,

Тошкент

**Заҳириддин
Муҳаммад Бобур даври**

Албатта, давлат бошқарувида ҳукмдорнинг диний эътиқоди виждонан ҳам, раият назарида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бобурий подшоҳларнинг барчаси ҳам имон-эътиқоди бутун, инсоф-тавфиқли ҳамда адолатли бўлганликлари билан мамлакат аҳолиси назарида юксак эътибор қозонганлар ва ҳозиргача шундай қиёфада тан олинадилар. Бу ҳол бобурийлар тарихини ўрганишга бағишланган барча адабиётларда бошдан-оёқ ўқ чизикдек ўтади ва ҳар қадамда таъкидланиб туради.

Ушбу салтанатнинг асосчиси бўлмиш моҳир саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур Подшоҳи Ғозий ҳам диний эътиқоди мустаҳкам ва имони бутун ҳукмдор бўлиб, сунний эди. Умрининг каттагина қисми жанги жидолларга тўла ҳолда ўтган бўлса ҳам, у ҳамиша пок ва ҳалол юришга интилар, беш вақт намозини канда қилмас, ақлзаковатининг беқиёслиги ва диний-илоҳий билимларининг теранлиги билан олим уламолар ҳамда дин пешволари ўртасида катта обрў қозонган эди. Диндошларига ва дин уламоларига ҳамиша ҳурмат-эътибор билан қараб, уларнинг иззатини жойига қўярди. Ўша даврнинг йирик уламоларидан бўлмиш Ҳожа Убайдуллоҳни пири сифатида эъзозлаши ва унинг “Рисолаи волидийа” асарини туркийга таржима қилиши ва мусулмончилик қоидалари ва фарзларининг баёнига бағишланган “Мубаййин” деб аталмиш маснавийлар тўпла-



Гофуржон СОТИМОВ

БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИ БОШҚАРУВИДА ДИН

мини яратиши унинг юксак эътиқод эгаси эканидан далолат беради. Шу билан бир қаторда, у хурофот билан ҳақиқат ўртасидаги чегарани аниқ фаҳмлай билган, улар ўртасидаги фарқни чуқур англаган. Фолибона юришлари давомида фатҳ этган юртлар халқининг тавоф этадиган муқаддас қадамжоларига, зиёратгоҳлари ва мазорларига ҳурмат-эътибор билан қараган, уларнинг оёқости қилиниши ёхуд таҳқирланишига сира йўл қўймаган. “Бобурнома”да Синд воҳаси забт этилгач, ундаги муқаддас қадамжолардан бўлмиш Пир Қону мазорини “*Ҳиндистондаги бисёр мўтабар мазор*” эканини таъкидлаб, “*...черик элидан баъзилари мазорнинг мужовирларига мужоҳим бўлгани учун бирини сиёсат учун пора-пора қилдиргани*”ни маълум қилади. Бошқа мазҳаб ва динлар вакилларига ҳам ҳолисона муомала қилиб, уларнинг диний эътиқоди камситилишига ёхуд уларга бошқа дин вакиллари томонидан тазйиқ ўтказилишига сира йўл қўймас эди. Бобуршоҳнинг Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган даври тарихига бағишланган айрим манбаларда муаллифлар унинг гайримуслим фуқаро-

дан жизъя солиғини жорий этганликда айблаб нолишадую, бироқ, “Мубаййин” асарида тўла таҳлил этиб берилганидек, мусулмонлардан закот солиғи олиниши ҳақида ломмим дейишмайди ва давлатни бошқаришдаги бу муҳим сиёсий омилни назардан қочиришади.

Ҳумоюншоҳ даври

Диний мазҳабларга ва Исломдан бошқа динларга нисбатан ҳолисона ва беғараз сиёсат олиб борилгани Бобуршоҳнинг валиаҳди Носируддин Ҳумоюншоҳнинг ҳукмдорлик пайтида ҳам яққол кўринади. Эътиқодида кўра, Ҳумоюншоҳ сунний бўлган, жуда тақводор мусулмон эди. Айни чоқда, бошқа мазҳабларни ҳам ҳурмат қилар, уларга оққўнгиллик ва самимийлик билан муомала қилар эди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида унинг шиа мазҳабидаги Мир Бобо Дўстнинг қизи Ҳамидабонуга уйланишини, шунингдек, шиа мазҳабидаги Байрамхонни ўзига бош вазир этиб тайинлашини, шу мазҳабдаги Эрон шоҳи Шоҳ Тахмасп билан давлат муносабатлари борасида тутган йўлини кўрсатса бўлади.

*Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Хумоюншоҳ диний илмлардан ташқари астрология, астрология, фалсафа, математика, жуғрофия каби фанлар асосини мукамал эгаллаган олим ҳукмдор эди. Жангги жидоллар ва саргардонлик йилларида ҳам у кутубхонасини ҳамisha ўзи билан бирга олиб юрар эди. Шунинг учун ҳам у ҳукмдорлик қилган даврда мамлакатда илм-фан, маданият сезиларли ривож топди, пойтахтда “Дин Паноҳ” деб аталган илм марказининг бунёд этилиши ҳам бунинг ёрқин намунасиدير.

Шоҳ Акбар ислоҳотлари

Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ ҳукмронлик қилган даврни Ҳиндистон тарихида “буюк ўзгаришлар даври” деб аташ мумкин. Бу давр давомида давлатни бошқариш тизимидагина эмас, балки мамлакатдаги ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳам катта ислоҳотлар ўтказилди. Акбаршоҳнинг яқин дўсти ва маслакдоши, ўз даврининг маълум ва машҳур уламоларидан бўлмиш Абулфайз Алломийнинг “Айни Акбарий” ҳамда “Акбарнома” асарларида бу ҳақда жуда кўп ноёб маълумотлар келтирилган.

Акбаршоҳ ҳам сунний эди, беш вақт намозни канда қилмасди. Шунингдек, бошқа мазҳаб ва диндаги кишиларнинг эътиқоди камситилишига ҳам асло йўл қўймас эди. Подшоҳлик мавқеини мустаҳкамлаб олгач, дунёвий борада ҳам, диний борада ҳам мустақил сиёсат олиб бориб, бу соҳаларда қатор ислоҳий йўналишдаги тадбир-чоралар кўрди. Маҳаллий ҳиндлар ва бошқа этник гу-

руҳларга ўз дини, мазҳаби амаллари ва урф-одатларига риоя қилиш, исталган динга сиғиниш имкониятини яратиб берди. Бу даврда мусулмон ва ҳинд болаларининг бир хил умумтаълим мактабларда, бир хил дарсликлар асосида ўқитилиш тартиби жорий қилинди. Маъмурий ва ҳарбий бошқарув идораларидаги мансабларга мусулмонларгина эмас, балки маҳаллий ҳиндлардан ҳам тайинланадиган ва унвонларга улар ҳам тавсия этиладиган бўлди. “Айни Акбарий”да кўрсатилишича, ўша пайтдаги бир юз ўттиз етти сарой амалдори ва ҳарбий мансабдорлардан ўн тўрт нафари ҳиндлардан, мамлакат таркибидаги ўн икки вилоятнинг саккизтасида молия ишлари бўйича девонбеги ҳиндлардан тайинланган экан. Шунингдек, ҳиндларнинг фуқаролик ишларини уларнинг урф-одатлари ва қадимий анъаналари асосида адолат билан ҳал қилиш ишлари учун маҳаллий ҳиндлардан қозилар тайинланадиган бўлди.

Салтанат маъмурияти тизимида махсус “Садр-ус-судур”, яъни, Бош Садр лавозими таъсис этилиб, диний ишлар бўйича маслаҳатчилик вазифаси унга юклатилган эди. Раиятнинг диний таълим олишидан, масжид ва мадрасалар ҳамда хонақолар курилишидан, уламоларнинг моддий аҳволидан хабардор бўлиб туриш, мамлакатда хайрия ишларни ташкил этиш, умуман мусулмонларнинг Ислом қоидаларига риоя қилишларини назорат қилишга ушбу лавозим эгаси мутасадди эди. Шу билан бир қаторда, Қозикалон — Бош қози лавозими ҳам таъсис этилган бўлиб, у фуқаролик ишлари устидан ад-

лия юмушларини олиб борар эди. Муфтий эса, диний масалаларни назарий талқин қилиш ва бу борада подшоҳ ва бош қозига маслаҳатлар бериш билан шуғулланарди.

Подшоҳнинг махсус фармони асосида пойтахтда таржимачилик бўлими ташкил этилиб, унда қадимий санскрит тилидаги диний-дунёвий асарларни сарой тили бўлмиш форс тилига ўгириш ишлари йўлга қўйилди. Урушда асир тушган маҳбусларни мажбуран мусулмон динини қабул қилдириш тартиби махсус фармон билан бекор қилинди. 1603 йилдан бошлаб эса, насронийларга ҳам ўз динига сиғинишга рухсат берилди.

Айни чоқда ҳиндларнинг диний эътиқоди ва урф-одатларидаги ғайриинсоний удумларга чек қўйилди. Жумладан, вояга етмаган болаларни уйлантириш ва турмушга бериш манъ қилинди, эри вафот этган бева аёлларни эрининг жасади билан қўшиб оловда куйдиришдек ғайриинсоний удумларга барҳам берилиб, бева аёлларнинг қайтадан турмушга чиқишларига рухсат этилди.

Ўша даврнинг энг етук дин пешволаридан бўлмиш Маҳдум-ул-мулк, Шайх Абдунаби, Шайх Муборак ва бошқа таниқли уламолар имзо чекиб тасдиқлаган бир ёрлиқда Акбаршоҳ “Ислом дунёсининг подшоҳи, мусулмонларнинг Амири — Амир-ул-мўминин, Аллоҳнинг ердаги сояси, Абулфотиҳ Жалолиддин Муҳаммад Акбар Подшоҳи Фозий Аллоҳнинг энг содиқ қули, энг одил ва доно подшоҳдир”, деб тан олинган эди.

(Давоми келгуси сонда)

Бошқотирма

1. Алининг (р.а.) акаси. 2. Гуноҳи кабиралардан бири. 3. Иброҳим пайғамбарнинг (а.с.) отаси. 4. Санъат тури. 5. Пайғамбаримизни (с.а.в.) кўрган ва суҳбатлашган одам. 6. Усмоннинг (р.а.) отаси. 7. Адабий жанр. 8. Италия пойтахти. 9. Диний билим маскани. 10. Дурадгорлик асбоби. 11. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) оналари вафот этган шаҳар. 12. Муқаддас ва улуг зот. 13. Араб алифбосидаги ҳарф. 14. Франса пул бирлиги. 15. Табиат ҳодисаси. 16. Ўрта Ер денгизидаги орол. 17. Йиртқич сув жонивори. 18. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) набиралари. 19. Мактуб. 20. Донли экин тури. 21. Расулulloҳга (с.а.в.) ҳижратдан сўнг ёрдам берган саҳобалар. 22. Қурилишгашеси. 23. Сайёра. 24. Йиртқич ҳайвон. 25. Мева. 26. Балиқ тури. 27. Рангли металл. 28. Миллий либос. 29. Қарши шахрининг қадимги номи. 30. Миллат. 31. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) завжалари. 32. Халифалардан

Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) оналари. 37. Макка шаҳрини, Каъбани вайрон қилмоқчи бўлган Яман ҳукмдори. 38. Мева. 39. Испания футбол клуби. 40. Русия автомобил русуми. 41. Хушбўй суюқлик. 42. Ҳиндистон пул бирлиги. 43. Йиртқич ҳайвон. 44. Африқодаги давлат. 45. Азиз ва муқаррам қилинган зот. 46. Амриқо фазони ўрганиш ва тадқиқ этиш маркази. 47. Мусонинг (а.с.) мўъжизаларидан бири. 48. Ранг. 49. ...икки қўлдан. 50. Афсонавий қуш. 51. Афғонистон ҳудудида жойлашган тарихий шаҳар. 52. Тўтиқуш тури. 53. Миллат. 54. Ўзбекистон эстрада гуруҳи. 55. Қадимги ҳаракат воситаси. 56. Русиядаги дарё. 57. Билоннинг (р.а.) отаси. 58. Имом Бухорий вафот этган қишлоқ. 59. Шоҳид. 60. Диний журнал. 61. Подшоҳлар бош кийими.

Жамшид НЕЪМАТ тўзди

2000 йил 6-сонда берилган бошқотирма жавоблари

Энига: 1. Беруний. 4. Иброҳим (а.с.). 9. Хизр. 10. Ажал. 11. Коранда. 14. Ибрат. 15. Риё. 16. Амаки. 19. Нағрий. 20. Ёркенг. 24. Ақула. 25. Наф. 26. Сирка. 30. Арнасой. 32. Олим. 33. Амал. 34. Латофат. 35. Надомат.

Бўйига: 1. Бухорий. 2. Ризқ. 3. Инсон. 5. Банда. 6. Ҳожи. 7. Моликий. 8. Азалий. 12. Шафтоли. 13. Империя. 17. Чит. 18. Ари. 21. Жаброил. 22. Барака. 23. Камолот. 27. Арафа. 28. Моид. 29. Ният. 31. Имом.

2000 йил 7-сонда берилган бошқотирма жавоблари

Энига: 7. Мустаҳаб. 8. Искандар. 11. Намоз. 12. Тавба. 13. Умар. 14. Тоат. 17. Таҳорат. 18. Ижтиҳод. 19. Инсон. 21. Ҳаббоб. 22. Афанди. 23. Сомали. 25. Афшона. 28. Симоб. 32. Хуросон. 34. Таассуб. 36. Осим. 37. Бурж. 39. Улфат. 40. Жанда. 41. Хондамир. 42. Силовсин.

Бўйига: 1. Муҳаммад (с.а.в.). 2. Агтор. 3. Каромат. 4. Асалари. 5. Анвар. 6. Сарбадор. 9. Куръон. 10. Фатво. 15. Араб. 16. Отин. 19. Иблис. 20. Насаб. 24. Мусо. 26. Ораз. 27. Қурултой. 29. Иқомат. 30. Оқибат. 31. Муҳаддис. 33. Насимий. 34. Тарових. 35. Сажда. 38. Тақво.

2000 йил 8-сонда берилган бошқотирма жавоби: Шаҳмат тахтасидаги ҳарфлар от юриши бўйича қўшиб ўқилганида Байҳақий ривоят қилган ушбу ҳадис келиб чиқади: **«Икки заиф, яъни, етим ва аёл ҳақини емоқликни сизларга ҳаром қиламан».**

Журналимизнинг ўтган йилги сонларида чоп этилган тест жавобларини Муаттар Абдурахмонова (*Тошкент*), Юсуф Сабуров (*Қорақалпоғистон*); бошқотирма жавобларини Солижон Исмоилов (*Қорақалпоғистон*), Шукрулло Зобидов (*Минғбулоқ*); ёзув-топишмоқ жавобларини Юнусали Тоҳиров (*Тошкент*), Абдуоқи

Азимов (*Марғилон*), Солижон Исмоилов (*Қорақалпоғистон*) каби ўқувчиларимиз тўғри топишган. Ушбу биродарларимизни «Ҳидоят»нинг 2000 йилги энг зукко мухлислари деб эълон қиламиз ҳамда таҳририятнинг махсус совғалари билан тақдирлаймиз.

Таҳририят